Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАЪБОН, 3-КУН.

ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ДАЛВ, 20-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА, 29-СОН • 280 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 60 ТИЙИН.

ЯШАСИН МЕҲНАТГА ЯРАЛГАН ИНСОН!

✦ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Ленинград районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги деҳқонлари ўтган йили 966 гектар ерда ғўза ўстириб, ҳар гектар майдондан режадаги 32,5 ўрнига 39 центнердан хирмон кўтаришди. Тажрибакорлар бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни мўлжаллаб туришибди. Ана шу боис хўжаликда қишки дала юмушлари сифатли ўтмоқда. Шўр ювиш, маҳаллий ўғит жамғариш қизғин бормоқда. Экиш-тикишда асқотадиган қишлоқ хўжалик машиналари сифатли ремонтдан чиқарилди.

СУРАТДА: ўзига ишониб топширилган тракторни кўкламга барвақт соз лаб қўйган 14-бригада механизатори Ашурали Мақсудов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

САБАБЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА, ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

5 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон . Республикаси Олий Кенгашининг 16—17 январда талабалар шаҳарчасида рўй берган оммавий тартибсизликларнинг ҳақиқий тафсилотини, сабабларини аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни тезда кўриб чиқиш, шунингдек рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси А. Муталов олиб борди.

Унда талабалар шаҳарчасида фожиали воқеаларга олиб келган тартибсизликларнинг сабабларини аниқлаш ва келгусида бундай воқеалар рўй бермаслигининг олдини олиш чоралари ҳақида кичик комиссияларнинг раҳбарлари — Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг бўлим мудири Б. Қодиров, Тошкент Ҳуқуқшунослик дорилфунунининг ректори, комиссия аъзоси А. Аъзамхўжаев, шу масала юзасидан парламент комиссиясининг иши ҳақида шу комиссиянинг раиси И. Файзуллаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. Мустафоев ахборот бердилар.

Мажлисда республика комиссияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда муайян иш олиб бораётганлиги айтилди. Айни вақтда унинг фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига асосий эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов қатнашдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Жўра Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. О. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Шавкат Орифжонович Алимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Францияга расмий ташрифи бошланди.

✦ **Латвияда бензин нархи яна ошди. Энди АИ-76 10 сўм, АИ-93 12 сўм, дизель ёнилғиси 9 сўм 10 тийин туради. Шуниси ҳам борки, бензиннинг ўзи йўқ. Россия бу республикага суюқ ёнилғи юбормаяпти.**

✦ Японияндан Хабаровскка келган хайрия ёрдам юклари ортилган автомобиллар жуда муҳтож оилалардан 1300 тасининг уйи томон йўл олди. Уларни яқинда Япониянинг Хабаровск билан биродарлашган Ниигата шаҳрида тузилган МДҲ мамлакатларига сармоя беришни кучайтириш компанияси ажратган эди.

✦ **Россияликларнинг ўйлаб топган ишларига ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Междуреченск шаҳри савдо ходимлари жорий этган янгилик бунинг исботидир. Қайтимга тангалари бўлмаган сотувчилар харидорларга ҳар бири 8 тийинлик нон бурдаларини бера бошладилар. Одамлар бунга индашмаяпти. Нима ҳам дейишарди! Ҳам арзон, ҳам...**

✦ Яҳудий мухтор вилоятидаги кўплаб фермерлар 10 минг гектардан зиёд ерга эга бўлдилар, лекин бир килограмм ҳам уруғлик буғдой, тариқ, арпа ғамлай олмадилар. Гап шундаки, қўшни минтақалардан уруғлик излаш ҳозирча натижа бермади. Россия тармоқ вазирлигидан ҳам бундай илтимосга рад жавоб олинди. Бор-йўғи 1,5-2 минг тонна уруғлик керак, холос.

✦ **Биринчи февралдан эътиборан Минск метросида юриш учун 40 тийин ҳақ тўлана бошлади. Кираверишдаги автоматга ҳар бири 20 тийинлик иккита танга ташлаш мўлжалланган эди. Бироқ тўпланган пуллар саналганда 3 тийинлик чақалар тез-тез учраб турибди. Демак, «қуёнлар» метрополитен хизмати учун атиги 6 тийин тўлашаётган экан.**

✦ Грузия Вазирлар маҳкамасининг уй-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қарори республиканинг бутун ҳудудида кучга кирди. Маҳаллий газеталарнинг барчасида эълон қилинган қарорга мувофиқ Грузия фуқароларига уй-жойлар хусусий тарзда фойдаланиш учун ихтиёрий равишда текинга берилади. Уйнинг бўлажак эгаси квартира ва коммунал хизматларга тўланадиган икки йиллик ҳақ миқдорида — ўртача ҳисобда 500—600 сўмга яқин пул тўлашга мажбур. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари, шунингдек 1989 йил 9 апрель куни Тбилисидаги фожиа шаҳидлари ва ўтган йил охири, бу йил бошларида Грузиядаги фожиали воқеаларда ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳам пошлина тўлашдан озод қилинадилар.

✦ **Украина Президенти Леонид Кравчук ўзининг Германияга ташрифи самарали бўлганлигидан қониқиш ҳосил қилса арзийди. Унга энг юксак даражадаги иззат-икром кўрсатилди. Киевнинг қуролсизланиш бўйича аввалги шартномаларга риоя этишга, ўз ядро кучларидан воз кечишга тайёр турганлиги Бонида муносиб баҳоланди. Л. Кравчукнинг сафар арафасида совет немисларини Украинада кўним топишларига таклиф этганлигини ГФРда моҳирона дипломатик юриш деб баҳоламоқдалар.**

✦ АҚШ давлат департаменти собиқ Совет Иттифоқи фуқаролари билан муомала пайтида Америка дипломатлари учун белгилаб қўйилган чеклашларни бекор қилди. Эндиликда дипломатлар руслар билан яккама-якка учрашишга, дўстона алоқалар ўрнатишга ҳақлидирлар. Фақат ошиқ-маъшуқлик ка йўл қўйилмайди.

✦ **Саддам Ҳусайннинг умри тугаб қолди, дейишмоқда унинг қўшни Эронда яшаётган мухолифлари. Оппозицияда турганларнинг фикрига қараганда, кейинги ойларда давлат тўнтариши қилиш учун бўлган бир неча уриниш Бағдоддаги тузум яқин орада мозийга кетишидан далолат беради.**

Сурияда чиқадиган «Тишрин» газетасида Ироқ оппозициясининг эълон қилинган баёнотига қараганда, Бағдод тузумининг муҳолифлари «мамлакатни вайрон қилган ва ўз халқини қийноқларга солаётган Саддам Ҳусайндан қутулишга азму қарор берганлар». Оппозициячилар Ироқдаги воқеаларнинг ривожини диққат билан кузатиб туришибди. Улар қулай вақт топиб ҳаракат бошлайдилар, дейилади ҳужжатда.

Баёнотда Ироқнинг турли вилоятларида халқнинг ҳукуматга қарши чиқишлари кучайганига ва ҳокимият идоралари якқалаб қўйилганига эътибор қаратилади.

✦ Прагадан олинган хабарга қараганда, ЧКП Марказий Комитетининг собиқ котиби Васил Билякка, шунингдек аввалги тузум молия вазирлари Леопольд Лер билан Яромир Жакка Чехословакиядан АҚШ долларини яширин тарзда олиб кетганликда расмий айб қўйилди. ЧСФР бош прокуратураси улар 1969 — 1988 йилларда носоциалистик мамлакатларнинг ишчи ҳамда коммунистик партияларига ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган валютани КПСС Марказий Комитети ҳисобига ғайриқонуний тарзда ўтказишда қатнашганлар, деган хулосага келди.

ЧСТК ахборот бошқармасининг хабар қилишича, айбланаётганлар Чехословакия давлат банкига зарур валюта маблағларини ажратиш тўғрисида кўрсатма берганлар. Бу валюта маблағларини махсус чопар Москвага етказиб турган. Шундай қилиб, 1969—1988 йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитетининг махсус ҳисоб дафтарчасига 10,2 миллион доллар пул ўтказилган.

✦ **Молдова Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш учун тавсия этилди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг янги аъзоларни қабул қилиш комитети мажлисида ана шундай қарорга келинди.**

✦ Япония Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатганидан кейин унинг Ташқи ишлар вазирлигида ўзига хос муаммо пайдо бўлди. Гап шундаки, бутун вазирликда дипломатик каналлар орқали алоқа боғлай оладиган, яъни украин, белорус, қозоқ, ўзбек ҳамда МДҲ бошқа тилларини (рус тилидан ташқари) биладиган мутахассис йўқлиги маълум бўлиб қолди.

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномалари материалларидан сараланди).

Диққат: янгилик!

«ТУРКИСТОН АХБОРОТИ»

Собиқ СССР даврати даврида «Время», «ТСН» программаларини мириқиб томоша қилмаган-у хуш кўрмаган одам камдан-кам топиларди. Бу мужассам ахборот манбалари энди тарихда қолди ва уларнинг ўрнини қисман «Новости» олганди. Шу программалар туфайли жумҳуриятлар аҳолиси бир-бирларининг ҳаётлари билан танишардилар, ўзаро яқинлашардилар.

Охирги пайтларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Жумҳуриятлари ўртасидаги муносабатларда ўзига хос иллиқлик, яқинлик ўз ифодасини топаяпти. Бу борада олиб борилаётган изланишлар самара бера бошлади. Шулардан бири Ўзбекистон телерадио компанияси томонидан тайёрланган ва 1 февраль куни биринчи маротаба эфирга чиққан «Туркистон ахбороти»дир.

Мазкур кўрсатув эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришни, аниқроғи — дўстликни, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни кўзлайди. Ҳақиқатан ҳам беш жумҳуриятни бир-бирига боғловчи шунга ўхшаш бирон кўприк кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Энди эса оғиздаги гаплар амалга оша бошлади.

«Туркистон ахбороти» ҳар шанба куни ярим соат намойиш этилади. Унинг биринчиси Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий турмушига бағишланди ҳамда қўшни жумҳуриятлардан олинган лавҳалар ҳам кўрсатилди.

МАРКАЗИЙ РЎЗНОМАЛАРНИ СОТИШ ТЎХТАТИЛДИ

ДУШАНБЕ. (Тожикистон Ахборот агентлиги мухбири Нина Мережникова,— ТАСС). Тожикистон Республикасига ахборот йўллари тўсилиб қолди. Барча рўзнома дўконларида марказий даврий нашрларни сотиш тўхтатилди. Чунки «Союзпечать» раҳбарлари бу рўзномалар нархини шу қадар ошириб юбордиларки, оддий кишилар уларни харид қила олмай қолдилар.

Маҳаллий почта ходимлари юз берган аҳволдан чиқиш йўлларини зўр бериб излашмоқда. Воситачилар хизматидан воз кечиб, рўзномаларни босаётган нашриётлар билан бевосита алоқа ўрнатиш бундай аҳволдан чиқиш йўлларидан биридир.

Давлат идораларида «Нима қилсак экан?» деб ўйлаб ўтиришган бир пайтда ишбилармонлар енг шимаришди. Душанбеда «Союзпечать» ташкилотининг рақиблари — «Икар» фирмасининг вакиллари ишга киришдилар. Улар даврий нашрларни тарқатиш билан шуғулланишмоқда. Ҳозирча улар «Известия» рўзномасини сотишаяпти. Фирма раҳбарлари хабар қилишларига қараганда, улар бошқа нашрларнинг таҳририятлари билан ҳам матбаа асарларини муштарийларга етказиш тўғрисида шартнома тузиш ниятидадирлар.

* * *

«ХАЛҚ СЎЗИ» ФИКРИ. Ушбу хабарнинг сарлавҳасини қўйишда ТожикТА ва ТАССдаги ҳамкасбларимиз «марказий» сўзини беихтиёр, ўрганиб-одатланиб қолганимиз учун ишлатганликлари шубҳасиз, қолаверса, бу хато ҳам, зарарли ҳам эмас. Бизнингча, ушбу атамани «Россия» деб, яъни Россия матбуоти маъносида бериш ҳақиқату мақсадга мувофиқ бўларди.

Лекин бошқа бир фикр бор. Биз, журналистлар, ўзимиз сингари заҳматкаш, меҳнаткаш, бечора қалам соҳибларининг елкаси ерга тегишини сира истамаймиз. Русча рўзномалар қизиқарли эканини ҳам биламиз ва тан берамиз. Аммо Ўзбекистон ҳаётининг фақат хира томонларинигина ёритадиган, тирноғимиз тагидан кир чир, сочимиз остидан биту бурга қидирадиган ғаламисларга нисбатан ғашимиз келади, десак — оз, улардан нафратланамиз, десак — кўп, ўртасини олиб жирканамиз, десак — буниси бошқа гап.

Ўйлаб кўрайлик-чи, тожик биродарларимиз тўғри йўл тутишдими... «Ҳам ошингни ейман, ҳам бошингни», дейдиган нашрни, тузлиғингга тупурадиган «марказий» матбуотни сотиб олишу ўқиш шартмикан!

Давр нафасини сезиб

ТАЛАБАЛАР ЎЗАРО ЁРДАМ КОНЦЕРНИ

Тошкентда тузилган талабалар ўзаро ёрдам ва ишбилармонлик концерни ҳузуридаги меҳнат биржасига дастлабки буюртма берилди. Бу ерга талабаларнинг ихчам ишчи бригадаларини тузишни сўраб «Тошкент бош қурилиш бошқармаси» мурожаат этди. Йигит ва қизлар ўқишдан бўш вақтларида Ўзбекистон пойтахтининг қурилиш майдонларида меҳнат қиладилар, таътил кунлари бошланиши билан республикамиздан ташқарида ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар. Улар ишлаб топган пуллар стипендияларига қўшилиб анча мадад бўлади.

Кўплаб корхоналар ва қурилишлар махсус тайёргарлиги бўлмаган ишчи кучларига муҳтождир. Айни вақтда талабалар ҳам пул ишлаб топиш имкониятини қидиришмоқда. Талабалар меҳнат биржасида манфаатдор томонларни бир-бири билан учраштириш вазифасини зиммаларига олишди. Бу ерда барча маълумотлар йиғилади. Уларда Тошкент корхоналаридаги бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотлар акс этади. Масалан, шаҳар пойабзал фабрикалари ишбай асосида ҳар куни икки-уч соатдан меҳнат қилишни таклиф этишмоқда. Ўртача ойлик маош 200 сўм атрофида бўлади. Алоқа бўлимлари йигит ва қизларни почтальонликка жон-жон деб қабул қиладилар. Хорижий давлатлар билан меҳнат гуруҳларини валютасиз айирбошлаш юзасидан шартномалар тузиш имконияти ўрганилмоқда.

Концерн талабаларни ишга жойлаштиришда воситачилик билангина шуғулланиб қолмайди. Унинг атрофига ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги марказлари, кичик корхоналар, бошқа ишлаб чиқариш тузилмалари ҳам бирлашди. Ўзбекистон Ёшлар уюшмасининг шаҳар комитети, «Тошкент бош қурилиш бошқармаси» ва республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги унинг муассиси бўлди. Улар дастлабки сармоя жамғармасини тўпладилар. Тошкент ҳокимияти ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшди. Тўғри, ана шу маблағлардан ижтимоий соҳани ривожлантиришда фойдаланишни шарт қилиб қўйди.

— Янги йилдан Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонун кучга кирди, — дейди концерн директори Абдумажид Эргашев. — Қонунда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, қарз олишда, солиқ солишда ёшларнинг тузилмаларига қўшимча имтиёзлар берилган. Ана шу нарса бизга ишбилармонлик билан шуғулланиш учун имконият яратади. Талабалар шаҳарчасида Тошкентдаги баъзи корхоналарнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган бўлимларини очмоқчимиз. Бинокорлик материаллари тайёрлаш, ремонт-қурилиш ишларини бажариш билан ҳам шуғулланамиз. Талабалар меҳмонхонаси, қаҳвахона қуришни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Ана шу иншоотларнинг ҳаммасида асосан талабалар ўқишдан бўш вақтларида ишлайдилар. Ишда панд емаслигимиз учун ишбилармонликни ташкил эта оладиган мутахассисларимиз бўлиши керак. Шу боисдан ўша — талабалар шаҳарчасида бизнес мактаби, компьютер таълими курсларини очамиз.

Фойданинг асосий қисми ижтимоий ёрдам жамғармасига — хайрия дастурларини маблағ билан таъминлашга сарфланади. Кам таъминланган талабалар бутун йил давомида моддий ёрдам олиб турадилар, ўқиш аълочиларига эса махсус стипендиялар берилади. Ўқиш ва жамоат ишларида ўта фаол қатнашган йигит ва қизлар халқаро ёшлар сайёҳати йўли билан хорижий мамлакатларга бепул сафар қиладилар.

А. ИВАНОВА.

АРМИЯ КУНИ НИШОНЛАНАДИМИ?

Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флоти тузилибдики, ҳар йили 23 февраль байрам сифатида нишонланарди. Ўзбекистонда ҳам бу санани қайд этишга кенг ўрин берларди. Энди нима бўлади! Ўзбекистонда Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флоти куни нишонланадими ёки йўқми!

Жумҳурият оммавий ахборот воситалари, жумладан «Правда Востока» рўзномаси хабар беришларича. Совет Армиясидан фақат биргина қуруқ номининг ўзи қолган бўлса-да, бу кун Ўзбекистондаги жамоатчилик талабларига биноан олдинги йиллардагидек нишонланади.

Улуғ Ватан уруши фахрийлари Тошкент гуруҳи йиғилиши қатнашчилари яқинда шундай қарорга келдилар.

Айтиб қўяйлик, кўп жойларда, масалан Тожикистонда бу сана бекор қилинган.

Ф. ПАРПИЕВ.

Хориж билан юзма-юз

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хабарига қараганда, бу ерда январь ойида жаҳоннинг 13 давлатидан келган 15 та делегация қабул қилинган. Асосан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилган.

Шу йилнинг 31 январигача Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида 83 мамлакат расмий равишда тан олган. Албания, Бенин, Болгария, Ботсвана, Бурунди ,Венесуэла, Габон, Гайана, Гвинея, Зимбабве, Ироқ, Исландия, Италия, Кипр, Куба, Лаос, Ливан, Ливия, Мексика, Малайзия, Непал, Норвегия, Португалия, Панама, Сингапур, Филиппин, Франция, Швеция, Эквадор, Эфиопия, Жар, Ямайка январь ойида шу ҳақда хабар бердилар.

Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашига аъзо этиб қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши февраль ойида бўладиган Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессиясида уни ана шу халқаро ташкилотга қабул қилиш учун тавсия этди.

Ўтган ойда Ташқи ишлар вазирлигида Вьетнам, Монголия, Миср, Япония ва Жанубий Корея билан дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги баёнотлар ва ҳужжатлар имзоланди.

Шу даврда 565 та виза ва хорижий паспортлар расмийлаштирилди.

Турли даражалардаги Ўзбекистон савдо-иқтисодий делегациялари Япония, АҚШ, ХХР, Афғонистон, Италия, Жанубий Корея, Венгрия, Эрон ,Туркия, Швейцария, Австралия, Ҳиндистон, Миср, Аргентина ва бошқа мамлакатларга бориб келдилар.

ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ўзбекистон газета ва журналларида бугунги қийин иқтисодий аҳвол муносабати билан журналистларга ёрдам кўрсатиш мақсадида республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Сизлардан барча таклифларингизни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига зудлик билан юборишингизни сўраймиз.

Уюшма манзили: **700129, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Телефонлар: **44-19-76, 44-64-61.**

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ҲАКАМЛИК СУДИ ВА ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

88-модда. **Ҳакамлик сарф-харажатларининг тақсимланиши**

Давлат божи:

1) шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган низолар бўйича — таклифлари қабул қилинмаган томон зиммасига ёхуд томонлардан ҳар бирининг таклифларидан бир қисми ҳакамлик суди томонидан рад этилган тақдирда — иккала томон зиммасига;

2) шартномаларни бажариш чоғида ёки бошқа асосларга биноан юзага келадиган низолар бўйича — қондирилган даъво талабларининг миқдорига мутаносиб равишда томонлар зиммасига юкланади.

Агар иш томоннинг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида (муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш тўғрисидаги таклифларни жавобсиз қолдириш, жавобгар ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш учун талаб қилган ҳужжатларни даъвогарнинг юбормаслиги ва шу кабилар) келиб чиққан бўлса, ҳакамлик суди ишнинг якунидан қатъи назар, давлат божи юзасидан сарф-харажатларни шу томоннинг зиммасига юклашга ҳақлидир.

Даъвогар давлат божи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган бўлса, бу давлат божи қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан (башарти, жавобгар божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса) бюджет фойдасига ундириб олинади.

Қарор қайси томоннинг фойдасига чиқарилган бўлса, ҳакамлик суди шу томоннинг давлат божига оид сарф-харажатларини иккинчи томон (гарчи у бож тўлашдан озод қилинган бўлса ҳам) ҳисобидан қоплайди.

Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пуллар: даъво қондирилган тақдирда — жавобгар зиммасига; даъво рад этилган тақдирда — даъвогар зиммасига; даъво қисман қондирилган тақдирда — қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда ҳар иккала томон зиммасига юкланади.

Агар томонлар ўртасидаги келишувда ҳакамлик сарф-харажатларининг тақсимоти назарда тутилган бўлса, ҳакамлик суди ушбу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

VI. БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

89-модда. **Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш**

Процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади. Қонунда процессуал муддатлар белгилаб қўйилмаган ҳолларда улар ҳакамлик суди томонидан тайинланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари албатта рўй бериши лозим бўлган воқеа кўрсатилган ҳолда аниқ календарь куни ёки вақт даври билан белгиланади. Сўнгги ҳолда ҳаракат бутун давр мобайнида бажарилиши мумкин.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат унинг бошланиши белгилаб қўйилган календарь кундан ёки воқеа рўй берганидан кейинги кундан бошланади.

90-модда. **Процессуал муддатларнинг тугаши**

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат сўнгги йилнинг тегишли ойи ва кунида тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат ана шу муддатнинг тегишли ойида ҳамда сўнгги ойининг тегишли кунида тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири унда тегишли кун йўқ бўлган ойга тўғри келиб қолса, муддат ушбу ойининг сўнгги кунида тугайди.

Муддатнинг сўнгги куни дам олиш кунига тўғри келиб қолган тақдирда, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Бажарилиши учун муддат белгилаб қўйилган процессуал ҳаракатлар муддатнинг сўнгги куни соат 24 гача бажарилиши мумкин.

Башарти, даъво аризаси, даъво аризаси ҳақидаги фикр, қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш ҳақидаги ариза, қарорни қайта кўриб чиқишга оид ариза ҳамда бошқа ҳужжатлар почта ёки телеграфга муддатнинг сўнгги куни соат 24 гача топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган деб ҳисобланмайди.

91-модда. **Процессуал муддатларнинг тўхтатилиши**

Иш юритиш тўхтатилиши биланоқ барча тугамаган процессуал муддатлар тўхтатилади. Иш юзасидан ижро қайтадан бошланган кундан бошлаб процессуал муддатлар давом этади.

92-модда. **Процессуал муддатларни қайта тиклаш ва узайтириш**

Ҳакамлик суди томоннинг, прокурорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан қонунда белгиланган процессуал муддат ўтказиб юборилиши сабабини узрли деб топиб, ўтказиб юборилган муддатни қайта тиклайди.

Ўтказиб юборилган муддат қайта тикланганлиги тўғрисида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида, ажримида ёки қарорида ёзиб қўйилади. Муддатни қайта тиклаш рад этилганлиги хусусида ажрим чиқарилади.

Томон ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Ҳакамлик суди тайинлаган муддатлар томоннинг, прокурорнинг аризасига биноан ёки ҳакамлик судининг ташаббусига кўра узайтирилиши мумкин.

VII. БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ УЗ ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ МУРОСАГА КЕЛТИРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

93-модда. **Даъволарни тақдим этиш тартиби**

Мулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ташкилот бу ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган ташкилотга даъво қилишга ҳақлидир.

Даъво ёзма равишда тақдим этилади.

Даъвода қуйидагилар кўрсатилади:

даъво қилаётган ва даъво қаратилган ташкилотларнинг номлари; даъво берилган кун ва унинг тартиб рақами;

даъвони бериш учун асос бўлган ҳолатлар;

даъвода кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далил-исботлар;

аризачининг талаби;

даъвонинг суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, даъво аризаси бераётганнинг тўлов ва почта маълумотлари;

даъвога илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъво буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизмати кўрсатиш юзасидан транспорт ва алоқа ташкилотларига қаратилган даъволарни тақдим этиш тартиби ва муддатлари тегишли қонунларда белгиланади.

94-модда. **Даъволарни қараб чиқиш тартиби ва муддатлари**

Даъво тақдим этилган ташкилот даъвони олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Даъвога берилган жавоб ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъвога берилган жавоб буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Даъвони бир ой муддат ичида қараб чиқиш тартиби бузилган ёки даъво жавобсиз қолдирилган ҳолларда ҳакамлик суди хўжалик низоларини қараб чиқаётганда бундай тартиббузарликка йўл қўйган ташкилотдан даъво суммасининг 2 фоизини, лекин камида 100 сўм ёки кўпи билан 1000 сўм пулни республика бюджети фойдасига ундиришга ҳақлидир.

Даъвони бутунлай ёки қисман тан олган тақдирда ташкилот ана шу тан олинган суммани ихтиёрий равишда аризачига ўтказади.

Даъвони тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган суммани ўтказиш тўғрисида маълум қилинмаган бўлса, даъво аризасини берувчи жавоб олгандан кейин 20 кунлик муддат ўтгач, қарздор тан олган суммани сўзсиз чегириб олиш хусусидаги фармойишни банкка тақдим этишга ҳақлидир. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

Даъвони қондиришдан бутунлай ёки қисман бош тортилган ҳолларда ёки жавоб ўз муддатида олинмаганда аризачи ҳакамлик судига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

(Боши 5, 6 февраль сонларида).

95-модда. **Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш**

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида ташкилотлар ўртасида юзага келган келишмовчиликлар шартнома лойиҳаси, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида таклиф олинган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида ташкилот раҳбари ёки ташкилот раҳбарининг ўринбосарлари томонидан қараб чиқилади.

Шартнома шартлари қабул қилинса, унинг лойиҳаси имзоланади ва шартноманинг иккинчи нусхаси шартнома лойиҳасини йўллаган томонга қайтарилади. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар қабул қилинганлиги ҳақида иккинчи томонга хат жўнатилади.

Шартнома шартлари бўйича эътирозлар бўлган тақдирда шартнома лойиҳасини олган ташкилот эътирозлар баёнини тузади, бу ҳақда шартномада қайд этиб қўяди ва 10 кунлик муддат ичида икки нусхада тайёрланган эътирозлар баёнини имзоланган шартнома билан иккинчи томонга жўнатади.

Эътирозлар баёнини олган ташкилот 20 кунлик муддат ичида шартнома тузилаётган томон билан уни қараб чиқиши ва шу муддатда муросага келинмаган масалаларни ҳакамлик судининг муҳокамасига йўллаши шарт.

Баҳсли масалалар шу муддатларда ҳакамлик суди муҳокамасига киритилмаган ҳолларда шартнома келишмовчиликлар баёни таҳририда тузилган деб ҳисобланади.

Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифга жавоб олинмаганда ёки рад жавоби олинганда манфаатдор томон 20 кунлик муддат ичида ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

VIII. БОБ. ДАЪВОНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ВА ИШ ЮРИТИШНИНГ БОШЛАНИШИ

96-модда. **Ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш**

Низо томонлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганларидан сўнггина ҳакамлик судининг ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

Прокурорнинг аризасига биноан ишларни қўзғатиш томонлар уқтирилган чора-тадбирларни кўрган-кўрмаганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Томонлар ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрган-кўрмаганлигидан қатъи назар учинчи шахслар ишга қўшилади ёки ишда қатнашишга жалб қилинади.

97-модда. **Даъво аризасининг шакли ва мазмуни**

Даъво аризаси ҳакамлик судига ёзма равишда берилади ҳамда ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) томонларнинг номи ва бўйсунуви; уларнинг манзилгоҳи;

2) башарти, даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

3) даъво талаби асосланган ҳолатлар, аризада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далил-исботлар, ундирилаётган ёки баҳсга сабабчи бўлган маблағнинг асосли ҳисоб-китоблари, даъво тақдим этиш учун асос бўлган қонунлар;

4) жавобгарлардан ҳар бири ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

5) даъво талаби; башарти даъво бир неча жавобгарга қаратилган бўлса — уларнинг ҳар бирига нисбатан қўйилган талаб;

6) аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларнинг рўйхати.

Агар улар низони тўғри ҳал этиш учун керакли бўлса, даъво аризасида бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

98-модда. **Даъвонинг баҳоси**

Даъвонинг баҳоси:

пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — ундирилаётган маблағдан ёки ижро этишга оид ҳужжатга ёхуд ундириш ҳеч сўзсиз (акцептсиз) тартибда ўтказилишига олиб келадиган бошқа ҳужжатга кўра баҳслашишга сабаб бўлган маблағга қараб;

эгалик ҳуқуқига оид ва мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — мол-мулкнинг баҳосига қараб белгиланади.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида уқтирилган неустойка (жарима, пеня) маблағлари ҳам киради, агар улар уқтирилмаган бўлса, бу маблағларни ҳакам белгилайди.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг жами қиймати билан белгиланади.

Даъво баҳоси нотўғри уқтирилган тақдирда у ҳакам томонидан белгиланади.

99-модда. **Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар**

Даъво аризасига:

1) жавобгарлардан ҳар бири ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганлигини;

2) жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;

4) даъво талабини қўйиш учун асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Муайян ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишга оид аризага баҳслашувга сабаб бўлаётган ҳужжатнинг нусхаси ёки ундан олинган гувоҳлантирилган кўчирма илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур қилганлик тўғрисидаги аризага шартноманинг лойиҳаси илова қилинади.

100-модда. **Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш**

Аризачилар даъво тақдим этиш чоғида томонларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини, башарти, бу нусхалар томонларда йўқ бўлса, юборишлари шарт.

101-модда. **Бир неча даъво аризаларини бирлаштириш ёки ажратиш**

Башарти, келиб чиқиш асосларига кўра ёки тақдим этилган далил-исботларга биноан бир неча талаб ўзаро боғлиқ бўлса, бу талаблар даъво аризасида бирлаштирилиши мумкин.

Ҳакам айни бир хил томонлар қатнашаётган бир турдаги бир неча даъво аризаларини ёки ишларни битта ишга бирлаштиришга ҳақлидир. Бу ҳақда иш қўзғатишга доир ажримга ёки қарорга ёзиб қўйилади.

Даъво аризасини қабул қилаётган ҳакам бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечтасини, агар талабларни алоҳида кўриб чиқиш кўпроқ мақсадга мувофиқ деб топилса, алоҳида иш юритиш учун ажратиб олишга ҳақлидир.

102-модда. **Даъво аризаси ҳақидаги фикр**

Жавобгар иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай қуйидагиларни жўнатади:

ҳакамлик судига — даъво аризасига жавобни ва даъвога қарши эътирозларни тасдиқловчи барча ҳужжатларни;

даъвогарга, бошқа жавобгарларга, шунингдек ҳакамлик жараёнида қатнашаётган прокурорга — жавоб нусхасини.

Жавобни ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолайди.

Бундай жавобда даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб номери; қонунларга, шунингдек даъво аризаси рад этилишига асос бўлган далил-исботларга таянган ҳолда даъвогарнинг талабини тўла ёхуд қисман рад этиш сабаблари; жавобга илова қилинаётган ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларнинг (шу жумладан даъвогарга, бошқа жавобгарларга, прокурорга жавобнинг нусхалари юборилганлиги тўғрисида) рўйхати кўрсатилади.

103-модда. **Қарши даъво тақдим этиш**

Жавобгар хўжалик низоси юзасидан қарор қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан биргаликда ҳал этмоқ учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир. Қарши даъво дастлабки даъвога боғлиқ бўлиши керак.

Қарши даъвони бериш даъволарни беришнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

104-модда. **Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш**

Ҳакам қуйидаги ҳолларда, яъни:

1) агар ариза ҳакамлик судида ҳал этишга оид бўлмаса;

2) агар томонлар ушбу низони холислар суди ҳал этсин деган битимга келган бўлсалар;

3) агар хўжалик низоларини ҳал этадиган идора ижросида худди шу томонлар ўртасидаги, худди шу мавзудаги ва худди шу асослар юзасидан низо бўйича иш мавжуд бўлса ёхуд ушбу идораларнинг қарори мавжуд бўлса, даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этганлик тўғрисида ажрим чиқарилиб, у ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай томонларга ҳамда прокурорга юборилади.

Аризачига юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Муайян томон ушбу ажримнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини текширишга оид ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси ҳакамлик судига дастлабки тарзда мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

105-модда. **Даъво аризасини қайтариш**

Ҳакам қуйидаги ҳолларда:

1) агар даъво аризаси уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) агар даъво аризасида томонларнинг номи, уларнинг почта манзилгоҳи кўрсатилмаган бўлса;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса, шартномалар тузиш чоғида юзага келадиган хўжалик низолари бундан мустасно;

4) агар бир даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан бир қанча талаблар бирлаштириб қўйилган бўлиб, бу талаблар келиб чиқиш асосларига ёки тақдим этилган далил-исботларга кўра ўзаро боғлиқ бўлмаса;

5) агар жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

6) агар бошқа томон билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

7) қонунга кўра қарз банк орқали олиниши лозим бўлганда, жавобгардан қарзни олиш учун банк муассасасига мурожаат қилинганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

8) агар иш юритиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар даъвогардан низо ҳал этилганлиги ҳақида ариза келиб тушса, даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқмасдан туриб қайтаради.

Ҳакам даъво аризасини ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай қайтаради.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган камчилик бартараф этилганидан сўнг умумий тартибда ҳакамлик судига иккинчи марта даъво аризаси билан мурожаат қилинишига тўсиқ бўлмайди.

106-модда. **Иш юритишни бошлаш**

Ҳакам даъво аризасини қабул қилиб, иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради ҳамда уни томонларга, ҳакамлик жараёнида қатнашаётган прокурорга юборади. Ушбу ажримда даъво аризаси қабул қилинганлиги, иш ҳакамлик судининг мажлисида ҳал этишга тайинланганлиги, мажлис ўтказиладиган вақт ва жой, ишни мажлисда ҳал этишга тайёрлаш юзасидан амалга оширилиш лозим бўладиган ҳаракатлар қайд этиб қўйилади.

Бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, маълумотлар ва хулоса сўраб олинган ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳакамлик судига чақирилган ҳолларда ажрим уларга ҳам юборилади.

Иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ажрим ушбу Қонун 125-моддасининг талабларига риоя этилган ҳолда чиқарилади. Ажримда иш юритишни бошлашга асос бўлган маълумотлар ҳамда қоидабузарликнинг моҳияти ҳам кўрсатилади.

107-модда. **Ишни мажлисда қараб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича ҳакамнинг ҳаракатлари**

Хўжалик низосининг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш мақсадида ҳакам зарур ҳолларда ишни мажлисда кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) даъвогар кўрсатмаган ташкилотларни қатнашчи-томонлар сифатида ишда қатнашишга жалб этиш масаласини ҳал қилади;

2) ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш тўғрисида таклиф юборилмаган ташкилотларни жавобгарлар жумласидан чиқаради;

3) томонлар, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш вазифасини (ҳисоб-китобларни солиштириб чиқишни, далил-исботларни жойида кўздан кечириш ва шу кабиларни) юклайди;

4) томонлардан, бошқа ташкилотлардан низони ҳал этиш учун зарур ҳужжатларни, маълумотларни ҳамда хулосаларни сўраб олади;

5) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

6) ёзма ва ашёвий далил-исботларни жойида кўздан кечиради ҳамда тадқиқ қилади;

7) томонлар вакилларининг ҳакамлик суди мажлисида ҳозир бўлишини мажбурий деб ёки мажбурий эмас деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этади;

8) мансабдор шахсларни ишнинг моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун чақириш ҳақидаги масалани ҳал этади;

9) ҳакамлик судининг мажлисини ташкилот жойлашган ерда ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади;

10) низонинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

IX. БОБ. ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ

108-модда. **Даъвони таъминлашнинг мақсади**

Ҳакамлик суди қатнашчи-томоннинг, ҳакамлик жараёнида қатнашаётган прокурорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббусига кўра даъвони таъминлаш чора-тадбирларини кўришга ҳақлидир. Башарти, бундай чора-тадбирларни кўрмаслик қарорнинг ижро этилишини қийинлаштириши ёхуд ижро этилишини йўққа чиқариши мумкин бўлса, даъвонинг таъминланишига йўл қўйилади.

109-модда. **Даъвони таъминлаш чоралари**

Қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарнинг муайян хатти-ҳаракатларни содир этишини тақиқлаш;

3) бошқа шахсларнинг низо мавзуига оид хатти-ҳаракатларни содир этишини тақиқлаш;

4) даъвогар норозилик билдираётган ижро ҳужжатига ёки унга кўра жазолаш ҳеч сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатга биноан ундириб олишни тўхтатиб қўйиш.

Даъво таъминланганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади. Томон ушбу ажримнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини текшириш хусусида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

110-модда. **Даъвони таъминлашнинг бекор қилиниши**

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги масала ишни қараб чиқаётган ҳакамлик суди томонидан ҳал этилади, бу хусусда ҳал қилув қарорига ёки ажримга ёзиб қўйилади.

X. БОБ. ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

111-модда. **Хўжалик низоларини ҳал этиш муддатлари**

Низоларнинг қараб чиқилиши, ҳал қилув қарорларининг қабул қилиниши ва тарқатилиши мумкин қадар қисқа муддатларда, бироқ даъво аризаси олинган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида амалга оширилиши шарт.

Бунда ҳал қилув қарори у қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан 5 кун ичида жўнатилади.

Иккала томоннинг илтимосномасига биноан қарор ўзгача, анча узоқроқ муддатда қабул қилиниши мумкин.

112-модда. **Мажлисни олиб бориш тартиби**

Хўжалик низолари ҳакамлик суди томонидан мажлисда томонлар вакилларининг иштирокида бир ёки уч ҳакамдан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Мажлисни олиб бориш тартибини мажлисда раислик қилаётган ҳакам белгилайди. Ҳакам суднинг таркибини эълон қилади, ҳакамлик жараёнининг қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради ҳамда уларга тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Мажлисда даъвогар ва жавобгар вакилларининг, экспертнинг ҳамда мажлисда қатнашаётган бошқа шахсларнинг сўзи тингланади.

Ҳакам низони ҳал этиши учун ҳар қандай зарур далил-исботларни тақдим этишда ҳар бир томонга тенг ва тўла имконият берилиши лозим.

Ҳакам томонлар муросага келишига кўмаклашади.

113-модда. **Ҳакамнинг номзодини рад этиш**

Ишда қатнашаётган шахслар хўжалик низосини ҳал этиш бошлангунча, башарти, ҳакам шахсан низонинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, унинг номзодини рад этишга ҳақлидирлар. Кечроқ рад этишга ишда қатнашаётган шахсга рад этиш асослари низони ҳал этиш бошланганидан сўнг маълум бўлиб қолган тақдирдагина йўл қўйилади. Рад этиш далил-асосли бўлиши лозим ҳамда ёзма шаклда билдирилади.

Рад этиш масаласини ҳакамлик судининг раиси ва унинг ўринбосари ёхуд тегишли ҳакамлик ҳайъатининг раиси ҳал қилади.

Ҳакамни рад этиш тўғрисидаги ариза қондирилган тақдирда низо ҳакамлик судининг раиси ёки унинг ўринбосари ёхуд тегишли ҳакамлик ҳайъатининг раиси белгилайдиган бошқа ҳакам томонидан ҳал этилади ёки у қарорнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини текширади.

114-модда. **Экспертнинг номзодини рад этиш**

Ишда қатнашаётган шахслар хўжалик низосини ҳал этиш бошлангунча, башарти, эксперт шахсан низонинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, шунингдек унинг салоҳиятсизлиги сабабига асосланиб экспертнинг номзодини рад этишга ҳақлидирлар. Кечроқ рад этишга ишда қатнашаётган шахсга рад этиш асослари низони ҳал этиш бошланганидан сўнг маълум бўлиб қолган тақдирдагина йўл қўйилади. Рад этиш далил-асосли бўлиши лозим ҳамда ёзма шаклда билдирилади.

Экспертни рад этиш тўғрисидаги масалани мажлисда раислик қилаётган ҳакам ҳал қилади.

115-модда. **Даъво аризасига билдирилган фикр ёки ҳакам талаб қилган материаллар тақдим этилмаган тақдирда, шунингдек томонлар вакилларининг иштирокисиз хўжалик низосини ҳал этиш**

Даъво аризасига билдирилган фикр ёки ҳакам талаб қилган материаллар тақдим этилмаган тақдирда иш ушбу масалага оид мавжуд бўлган материаллар бўйича ҳал этилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг мажлисига томонларнинг вакиллари келмаган тақдирда, башарти ҳакамнинг фикрича бундай ҳозир бўлмаслик низонинг ҳал этилишига тўсиқ бўлмаса ҳамда томоннинг низо ўз вакилининг иштирокисиз ҳал этилишига қарши ёзма эътирозномаси йўқ бўлса, низо улар йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

116-модда. **Хўжалик низосини бевосита ташкилотда ҳал этиш**

Ҳакамлик суди низони бевосита ташкилотда ҳал этишга ҳақлидир.

Ташкилотларнинг раҳбарлари бундай ҳолда ҳакамлик судининг мажлисини ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлаб беришлари шарт.

117-модда. **Ишни эшитишни кейинга қолдириш, мажлисдаги танаффус**

Ҳакамлик суди иш мазкур мажлисда ҳал этилиши мумкин бўлмаган ҳолларда ишни эшитишни кейинга қолдиришга ҳақлидир.

Ҳакамлик жараёнининг қатнашчилари навбатдаги мажлис ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида ҳакам томонидан ажрим ёки бошқа ёзма ҳужжат билан хабардор қилинадилар.

Ўта мураккаб хўжалик низолари ҳал этилаётганда ҳакам кейинчалик ҳал қилув қарорида буни кўрсатиб ўтиш шарти билан уч кундан ошмайдиган муддатга мажлисда танаффус эълон қилишга ҳақлидир.

118-модда. **Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни қайта тиклаш**

Хўжалик низосини ҳал этувчи идора муайян иш билан боғлиқ бошқа ишни ёки ваколатли идоралар тегишли масалани ҳал этгунига қадар бу муайян ишни кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳакамлик уни юритишни тўхтатиб туради.

Ҳакамлик суди экспертиза тайинлаган, материалларни тергов идораларига юборган, ташкилот қайта тузилганлиги оқибатида бирон томон унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштирилган тақдирда ҳакамлик суди томоннинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Ҳакамлик суди ишнинг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг иш юритишни қайтадан давом эттиради.

Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни қайтадан давом эттириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Қатнашчи-томон ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

119-модда. **Иш юритишни тўхтатиш**

Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатади:

1) агар хўжалик низоси ҳакамлик судида ҳал этилишига тегишли бўлмаса;

2) агар томонлар ушбу низони ҳал этиш учун холислар судига бериш тўғрисида битим тузган бўлсалар;

3) агар айни бир томонлар ўртасида, айни бир мавзуда ва айни бир асосларга кўра келиб чиққан низо бўйича хўжалик низосини ҳал этувчи идоранинг қарори мавжуд бўлса;

4) агар аризачи жавобгар билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чораларини кўрмаган ҳамда бундай тартибга солиш имконияти йўққа чиққан бўлса;

5) агар ишдаги қатнашчи-томон ҳисобланган ташкилот тугатилган бўлса.

Иш юритиш тўхтатилган тақдирда айни бир томонлар ўртасида айни шу мавзуда ва айни бир асосларга кўра келиб чиққан низо юзасидан ҳакамлик судига иккинчи бор мурожаат қилинишига йўл қўйилмайди.

Иш юритиш тўхтатилганлиги ҳақида ажрим чиқарилиб, унда ҳакамлик сарф-харажатларини томонлар ўртасида тақсимлашга, бюджетдан давлат божини қайтаришга, шунингдек мазкур қонун 122-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жаримани ундиришга оид масалалар ҳал этилиши мумкин.

Томонлар ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

120-модда. **Даъвони қараб чиқмай қолдириш**

Ҳакамлик суди қуйидаги ҳолларда даъвони қараб чиқмай қолдиради:

1) агар даъво аризаси имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб лавозими қайд этилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) агар хўжалик низосини ҳал этувчи идоранинг ижросида айни бир томонлар ўртасида, айни шу мавзуда ва айни бир асосларга кўра келиб чиққан низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

3) агар аризачи қонунларга биноан жавобгардан қарзни банк орқали олиши керак бўлиб, бу хусусда банк муассасасига мурожаат қилмаган бўлса;

4) агар даъвогар ҳакамлик суди томонидан талаб қилинган, низони ҳал этиш учун керакли бўлган материалларни узрли сабабларсиз тақдим этмаган бўлса;

5) агар аризачи жавобгар билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрмаган ва бундай тартибга солиш имконияти йўққа чиқмаган бўлса.

Даъво қараб чиқилмай қолдирилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилиб, унда ҳакамлик сарф-харажатларини томонлар ўртасида тақсимлашга, бюджетдан давлат божини қайтаришга, шунингдек мазкур қонун 122-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жаримани ундиришга оид масалалар ҳал этилиши мумкин.

Қатнашчи-томон ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Даъвони қараб чиқмай қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг даъвогар ҳакамлик судига умумий тартибда қайтадан даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

(Давоми бор).

Жиззах районидаги «Жиззах» иссиқхонаси хўжалигида ғарқ пишиқчилик. Улар мавжуд бир гектар лимонзорларда мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Аҳоли дастурхонига 32 тонна маҳсулот етказиб беришни режалаштирган соҳибкорлар ҳосил теримини бошлаб юборишди.

Суратда: Мақсуда Ўринбоева, Гулбаҳор Абдураҳимовалар терим пайтида.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

«МУЛОҚОТ» БОСМАДАН ЧИҚДИ

Ойнома ўтган йилги анъаналарини бу йил ҳам давом эттирмоқда. Жумладан, биринчи сонда турли мавзуларда қизиқарли мақолалар, суҳбатлар, ҳангома, шеър ва эълонлар босилган. У халқ сайлаган биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сурати ва таҳририят жамоасининг табриги билан очилади. Журналист Нарзулла Жўраев, иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев, олим Фрунзе Жўраевнинг сиёсат, иқтисод ва унинг оқибатлари ҳақидаги мақолалари бугунги кунимиз муаммолари ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Тарих фанлари доктори Карим Шониёзовнинг қадимий Қанғар давлати ҳақидаги мақоласи ватанимиз, халқимиз тарихи ва тақдири ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Шойим Бўтаевнинг ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбати мухлисларда яхши таассурот қолдиради.

«Арастунинг Искандарга насиҳатлари» (форсчадан таржима), Олтихон Тўра ҳақидаги «Ватандош туҳфаси», Ҳамид Сулаймоннинг Алишер Навоий асарларига ёзган, лекин босилмай қолган мақоласи, ватандошимиз, Германия фуқароси Вали Қаюмхон билан суҳбат муштарийларда қизиқиш уйғотади.

«Мулоқот» дафинаси» рукни остида ҳам ажойиб-ғаройиб маълумотлар, воқеалар ёритилган.

САНОАТ УЧУН

● «НАВОИАЗОТ» ишлаб чиқариш бирлашмасида ярим ўтказгичли тозаликда бўлган дастлабки юз грамм маргимуш олинди. Бу маҳсулот электрон саноати учун ниҳоятда зарурдир.

Юзага келган талабни ҳисобга олиб катализатор ишлаб чиқариш аналитик лабораториясида жуда тоза маргимуш олиш юзасидан тажрибалар бошлашди. Бу ерда тажриба қурилмаси бунёд этилди, маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Ишни тугаллаш учун бир йил сарфланди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, олинган маҳсулот жуда катта талабларга жавоб беради.

Санкт-Петербург оптика илмгоҳи ана шу маҳсулотни биринчи бўлиб сотиб олди.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

САМАРҚАНД. Улуғбек пластмасса буюмлари заводи Афғонистонга ўз маҳсулотининг дастлабки туркумини жўнатди.

ЗАВОД Афғонистоннинг «Ҳабиб ховари» фирмаси билан тузган шартномасига биноан 150 минг сўмлик пластмасса буюмларини юборди. Шерикларидан эса тикув машиналари ва шойи газламалар харид қилинди. Мақсад — бу йил афғон халқига 500 минг сўмлик маҳсулот сотиб, эвазига улардан харид қилинадиган зарур молларни кўпайтириш.

Ижодкорлар чорраҳаси

КЎЗДА ВА СЎЗДА

Шоира Зулфия МЎМИНОВА билан хонанда Султонпошша ЎДАЕВАга ўн савол

Мухбир: Зулфия опа, бир суҳбатимизда классик шоирларимизнинг айрим сатрлари ойлаб хаёлимда чарх уради, дегандингиз. Шу кунларда хаёлингизда қайси сатрлар такрорланмоқда?

З. М.: Мирзо Бедилнинг қуйидаги сатрлари хаёлимдан ҳеч кетмаяпти:

Аз маркази Ҳинд то хати Мўлтонаш,
Ваз ҳадди Ироқу Язд то Кошонаш,
Дар ҳар маъмуре ки кардем гузар,
Дидем аввал саводи гўристонаш.

Бу, Ҳинд марказидан то Мўлтонгача, Ироқ ва Язддан то Кошонга қадар кузатсанг, инсонлар яшайдиган жойларда ҳаммадан аввал мозорлар кўзга ташланади, дегани. Ҳазрат Бедил бу сатрлар билан тириклик дарахтининг ғоят нозик ва кичик эканлигини, қайғунинг катталигини, бу оламда жудолик ва айрилиқ бисёрлигини айтмоқчи. Бедилнинг кўзларига нега даставвал қабрлар кўринди экан? Қабристон — муқаддас жой. Унинг ёнидан ўтганда не-не улуғ одамлар бу ерда ётганини эслайсиз. Ғанимат дунё ҳақида ўйлайсиз. Мирзо Бедил мана шу сатри билан инсоф ва адолат, меҳр ва муҳаббат дардини ғазалхонга уқтира олган.

М.: Сиёсатга тобингиз қалай?

З. М.: Сиёсат ҳақидаги суҳбатлардан жуда чарчаганман. Шафқат қилинг, бошқа мавзуда ҳасратлашайлик. Масалан, соғинч ҳақида.

Дунёда энг бахтсиз одам ким деб сўрасангиз, мен энг бахтсиз одам — ҳеч кимни соғинмайдиган одам, деб жавоб берган бўлардим. Чунки ҳеч кимни соғинмайдиган одамнинг ўзини ҳам ҳеч ким соғинмайди. Дилида соғинч туйғуси йўқ одам ногирон одамдан ҳам бечорадир.

Соғинч... Табиат инсонга кимнидир, қаернидир соғиниш бахтини бермаган экан, демак, унга шафқатсизлик қилибди. Уни кам қилиб яратибди. Соғинч — улуғ туйғу. Унинг улуғворлиги маъюслик билан суғорилган. У ўйчанлик дарёсидан сув ичади, соғинч — армоннинг синглиси. Сиз ҳеч кимни соғинмайдиган бахтли одамлар кўп-ку, деб айтишингиз мумкин. Ҳеч кимни соғинтирмайдиган бахтга менинг ҳавасим келмайди. Бундай бахт инсон қалбидаги жуда кўп булоқлар кўзини ёпиб ташлайди. Ҳеч кимни соғинтирмайдиган бахт кишига ўзини шоҳ билиб, атрофидагиларга фуқаро деб боқишни ўргатади. Билсангиз, ҳамма фожиа ўша нуқтадан бошланади. Мен ўзимни СОҒИНЧнинг фуқароси деб биламан.

М.: Бир шеърингизда:

Бошимдан маломат тўкилар экан,
Токайгача жимман, токай сабурман.
Йўлим тошларингдан бекилар экан,
Қайтариб отишга мен ҳам мажбурман.
Мажбурман, эркак-ла олишавериб,
Эркакка айланиб бораверaман,
Сен эса аёл-ла олишавериб,
Аёлга айланиб борaверасан, —

дегансиз. Қандай қилса, аёл — АЁЛ бўлиб қолади, деб ўйлайсиз?

З. М.: Яқинда «Демидовлар» деб номланган фильмни кўрдим. Ўша фильмда Демидовларнинг келини қон қақшаб йиғлайди: «Қандай ювош қиз эдим, содда эдим, бахтиёр эдим. Энди асабий ва баджаҳл бўлиб қолдим. Мени шу кўйга солган бўтун Демидовларнинг уйига ўт кетсин!», — дейди. Келинчакнинг шу сўзлари менга узоқ вақт таъсир қилиб юрди. Чунки аёл зотига баланд товушда гапириш ярамайди. Асабийлик ва қаҳру ғазаб унинг мунислигидан асар ҳам қолдирмайди. Ўша келинчакка қўшилиб йиғлагим келди, чунки бугунги кунда биз ўзбек аёллари ҳам қўполлашиб кетаяпмиз. Бу шундай замонки, баъзан овозинг баланд чиққанидан ҳижолат бўлиб кетасан, асабийлашмай иложинг йўқ! Аёлдаги энг катта ютуқ — бу унинг дилбарлиги ва назокатлилиги. У дуру марваридлари йўқолса, йиғламаслиги керак, аммо нафосати, ювошлиги ва эрка табассуми йўқолса, йиғлаши, қайғуга тушиши керак.

Хўш, биз ўзбек аёлларини нималар асабийлаштирмоқда, кимлар уни дилдорлигидан маҳрум этмоқда?!

Бир кам дунё, номукаммал сиёсат, юҳо бозор, устига-устак маданиятсиз муомала, совуқ нигоҳ, онгсизлик, совуққонлик ва қабоҳат!

Шундай эркакларимиз борки, улар бирга ишлайдиган аёл ҳамкасбини ўзига рақиб, душман санашади. Аёлнинг нозиклиги, ўзидан ожиз, кучсиз, миллион марта заифа эканлиги уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Аёлни туҳматга кўмиб, ғийбат қилиб роҳатланадиган, аёлни оёқости қилиб, қон қақшатиб кун кўрадиган эркакларга қарата ёзилган ўша шеър. Ундайлар ҳақида Сукарнонинг сўзи билан мурожаат этмоқчиман: «О, тангрим, аёлнинг муқаддаслигини тан олмайдиганларнинг жазосини ўзинг бергин».

М.: «Ташлаб кетилган боланинг...» деб бошланадиган шеърингизда шундай сатрлар бор:

Ташлаб кетилган боланинг —
Пальточаси йиғлар,
Пальтосидаги тугмачалари ҳам —
Йиғлайди ҳатто,
Ёқачаси йиғлар, ёқасидаги —
Бўғмачалари ҳам йиғлайди ҳатто...

Сизга ғамгин саволлар бермоқчи эмас эдим, наилож, шеърларингизнинг маъюслиги шунга мажбур этади. Бу маъюслик қаердан, ахир?

З. М.: Руҳимга маъюс сатрларим мос, десам — ишонинг.

Юқоридаги шеър ярадор қушча — етим бола ҳақида. Бундай сатрларни қоғозга туширгунча шоир юраги аввал ўша азобларни ўзидан ўтказади. У бир бешафқат ўт бўлса, шоир юрагидан ўтиб кейин қоғозга тўкилган. Бир ўйлаб қаранг: эл ичида ўзини донишманд қилиб кўрсатиб юрган кимдир ўзи ташлаб кетган болаларининг кўзларини соғинмаса, овозини эшитишни истамаса! Жамиятдаги жами разилликлар ўша лоқайдлар томонидан амалга оширилади.

* * *

М.: Султонпошша опа, қўшиқларингизнинг кўпчилиги Зулфия Мўминова қаламига мансуб. Айнан шу шоира билан ҳамкорлик қилишингизнинг сабаби нима?

С. Ў.: Ўринли савол бердингиз. Ҳозиргача Зулфияхоннинг шеъри билан айтиладиган «Азизим, бахтиёрим», «Оғажон», «Шоҳсанам», «Сендан азиз йўқ» кабилар — менинг энг севимли қўшиқларимдан. Зулфия билан ҳамкорлик қилишимиз сабабига келсак, аввало бу шоиранинг шеърлари чуқур мазмунли, оҳангдор. Илгарилари асар муаллифини танимасак ҳам, унинг шеърини қўшиқ қилиб айтавергaнмиз. Бу камчилик ҳамма санъаткорларимизга хос эди.

Мана бугунги кунда муаллиф билан бирга ҳар бир сатр устида ишлаймиз. Ўшанда бутунлай бошқа оламга кираман, мен кимнинг дардини куйлаётганимни ҳис қиламан.

Ўртамизда оқар дарё, оқар дарё бор ўлур,
Сен томони баҳор ўлур, мен томони қор ўлур.

Мен шу сатрларни йиғлаб ўқиганимда Зулфия ҳайрон бўлиб: «Қўшиқчилар ҳам йиғлайдими шеър ўқиб» — деб сўраганди. Бундай ўтли сатр хонанда тугул тошбағир инсонни ҳам йиғлатади.

М.: Сизнинг ҳозирги фаолиятингиз, яшаш шароитингиз ҳамда оилангиз кўпчиликни қизиқтиради. Турмуш ўртоғингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз?

С. Ў.: Умуман оилада эркак кишининг ўрни жуда аҳамиятли. Эркак киши оиланинг бошида тургани маъқул. Гапни турмуш ўртоғимдан бошлаганимнинг боиси — Сафарбой акани жуда ҳурмат қиламан; у кишининг ҳар бир сўзи — биз учун қонун. У киши мени доим тўғри тушунадилар. Қўшиқ куйлашим учун шароит яратиб берадилар. Мен қай хилда қўшиқ куйласам, шунга мос кийимни топишга ҳаракат қиладилар. Умуман турмуш ўртоғим билан фахрлансам арзийди. Ўзим мактабда ўқитувчиман. Маошим — 350 сўм. Ҳар ҳолда яхшироқ кўйлак тиктириш учун етади.

М.: Санъаткорларнинг тўйга чиқмайдигани кам бўлса керак. Сиз тўйларга борасизми? Тўйларда қўшиққа муносабат қандай? Баъзиларга санъаткорнинг тўйга бориши номақбул туюлади, сиз бунга нима дейсиз?

С. Ў.: Санъаткорни ҳеч ким йўқлаб келмаслигидан худо асрасин. Қўшиқни концерт залида ҳам, тўйда ҳам, кўчада ҳам одамлар эшитадилар. Санъаткор қаерда бўлишидан қатъий назар, у одамлар учун куйлайди. Агар тўйга таклиф қилиб келишса, албатта бораман. Турмуш ўртоғим ва қайин укаларим ҳам бирга боришади.

Тўйларда қўшиққа муносабат ҳар хил. Айниқса, ҳозирги пайтда Навоий, Огаҳий ва Фузулий ғазалларига эътибор катта. Классик ашулаларни кўпроқ куйлашимизни талаб қилишади. Вилоятлар, район ва қишлоқларда меҳнаткашларга қўшиқ куйлаб чарчамайман.

М.: Бозор иқтисодиёти даврида яшаш қандай? Хусусан, шоира билан хонанда учун. Мақсади йўлида курашаётган инсон ҳеч қачон нолимайди, менинг назаримда. Шундай эмасми?

С. Ў.: Ҳа, гапингиз тўғри. Гарчи моддий жиҳатдан озроқ қийинчилик бўлса-да, аслида биз жуда боймиз. Чунки бизнинг дардимиз — бойлик эмас. Бизда ундан-да юксакроқ туйғулар бор. Биз Зулфияхон билан шеър ҳақида, қўшиқ ҳақида ва ўтаётган умр ҳақида гаплашиб қолганимизда ҳеч қачон камбағал эмаслигимизга ишонч ҳосил қиламиз.

М.: Ҳар иккалангизга бир хил савол бермоқчиман: Зулфия опа, Султонпошша опадаги қайси хислатларни қадрлайсиз?

З. М.: Султонпошша Ўдаева катта оилада туғилиб, камол топган. Тўққиз фарзанднинг ота-онаси бир кунда оламдан ўтишган. Шундан сўнг оиланинг ташвиши бир қадар унинг ҳам зиммасига тушган. У юрагида дарди бор қўшиқчилардан. Унинг ҳар қандай хислатидан-да менга жуда ёқадиган томони (мени унга боғлаган дунё) — унинг овози. Бу овоз, айниқса, Султонпошша турк қўшиқларини куйлаётганда томир-томирларимга сингиб кетади.

М.: Султонпошша опа, Сизга Зулфия опанинг қайси фазилати кўпроқ ёқади?

С. Ў.: Биринчидан, Зулфия ҳеч қачон ёлғонни ёзмайди. Бунинг учун унда эҳтиёж ҳам йўқ. Иккинчидан, ёзган нарсаларининг ҳаммасини ўзи бошидан кечириб, гувоҳи бўлган. У одамга доим яхши нарсаларни эслатади. Ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмайди. Шеърлари халқона ва дардчил. Оқ гулларни яхши кўради. Унга қизчаси Саодатнинг исмига монанд қилиб саодат тилайман.

Суҳбатдош:
Феруза ШОДИЕВА.

БАЛАНД ПАРДАДАГИ ВАЙСАҚИЛИК

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»НИ ЎҚИБ

ТЎҒРИСИ, бундан уч-тўрт ой муқаддам «Комсомольская правда» рўзномаси мухбирининг Тошкентдан мажбуран чиқариб юборилганини эшитиб, «шу бекор бўлибди-да», дегандик. Бугун, ўша рўзноманинг 4 февраль сонида чиққан «Руслар мачитлар панасида, Ўзбекистон: юз йиллик охирининг сиёсий манзараси» мақоласини ўқиб, ўшанда янглиш фикрга борганимизга иқрор бўлдик. Бундай мухбирларни ҳайдашнинг ўзи камлик қилар экан. Нега дейсизми? «Комсомолка»нинг ушбу мақоласини ўқиган ҳар бир ўқувчи, ҳатто русзабонлар ҳам дарғазаб бўлишаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик, исёнкорона норозиликларини қулоғимиз билан эшитдик. Чунки мақола шу даражада палапартиш, ёлғон, бўҳтон ва туҳматдан иборатки, муаллифлар Д. Сабов билан И. Черняк Ўзбекистонда яшаётган руслар ва русзабонлиларни ҳимоя қилишаяптими, масхаралашаяптими ё ерли аҳолига нисбатан гиж-гижлашаяптими — ўзлари ҳам англаб етмасалар керак. Худди маст одамнинг алжирашига ўхшайди.

Собиқ марказдаги журналист ўртоқлар энди Президент қолиб, якка шахслар қолиб, бутун бир мамлакатнинг юзига оёқ босишаётгани ҳар бир ўзбекистонликнинг ғазабини қўзғатади. Ҳатто улар Ўзбекистонда руслар Россиядагига нисбатан жаннатда яшаётганликларига ичлари куйиб кетаяпти, шундан жазавага тушаяптимикан, деган хаёлга борасан киши.

Келинг, биз ҳам қуруқ сафсата муаллифлари қаторига қўшилиб қолмаслик учун мақолани бир бошдан кўриб чиқайлик. Уни ўқигандан ўқимаган кўп. Биз ҳам битта нусхасини Тошкент марказидаги идоралардан зўрға қидириб топдик. Агар «Комсомолка»нинг башараси шу бўлса, келгуси йилда Ўзбекистонда нафақат ерли аҳоли, балки руслар ҳам ўйлаб обуна бўлишса керак.

Мақола муаллифларнинг Тошкентга кечқурун учиб келишгани-ю, шаҳар марказидаги кўчалар чироғининг хиралигини «илғаб олиш»лари билан бошланади. Кейин уларга электр станцияларига хизмат кўрсатаётган ходимларнинг тўқсон фоизи европаликларга мансуб бўлиб, кўплари кетиб қолишаётганини тушунтиришибди. Лекин ким «тушунтиргани» — йўқ.

Чамаси, муаллифларга Тошкент кўчалари хира кўринишининг боиси ё улар ростдан ҳам маст бўлишган, ёки самолётдан тушишдан олдин Ўзбекистон учун аталган қора кўзойнакларини рюкзакларидан олиб дарров тақиб олишган. Чунки Ўзбекистонда электр танқислигидан ҳозирча бирон корхона тўхтамади, бирон хонадон бирор кун чироқсиз қолмади. Афсуски, журналист ўртоқларнинг фақат кўзлари эмас, шуурлари ҳам хиралашибди. Йўқса, Сирдарё, Янги Ангрен, Тошкент ГРЭСларида «энергоблокларнинг ярми ишламаяпти, бутунлай тўхтатиб қўйилди, зўрға ишлаб турибди» деб тўғридан-тўғри ёлғон ёзмаган, собиқ Иттифоқни ҳамма бурчакларидаги иқтисодий тангликнинг бир заррасигина мавжуд бўлган Ўзбекистон ГРЭСларидаги аҳволни русзабон мутахассислар кетиб қолиши билан боғламаган бўлишарди. Хўш, жаноб журналистлар, унда айтинг-чи, нега Россиянинг қатор шаҳарларида электр етишмаслигидан бутун-бутун корхоналар тўхтаб турибди? Ёки у шаҳарлардан ўзбеклар, туркийлар Ўрта Осиёга кўчиб келишаяптими? Янги Ангрен ГРЭСидан европаликларга мансубларнинг кетиб қолишаётгани тўғрисида бир йил олдин марказда эмас, ўзимизда «бонг урилган» эди. «Бўлмаган гап, — деганди ўшанда Ангрен ГРЭСи директори М. Бобоқулов, — Мен шу масалани ўрганиш комиссиясининг аъзосиман. ГРЭС ишга туширилаётганда минглаб созловчи мутахассислар келишган, бизнинг тилда уларни «пускачлар» деймиз. Одатда улар монтаж-созлаш ишларига катта маош олишади. Корхона ишга тушгач, у иш ҳам, катта маош ҳам йўқ бўлгач, ўша «пускачлар»нинг айримлари кетишган, холос. Шаҳримиздан кўплаб немислар, қрим татарлари кетишаётгани рост. Улар норозиликдан эмас, кўз ёш билан қучоқлашиб хайрлашиб, ўзларининг юртларига қайтишмоқда...

Шу жойда Тошкент электр тармоқлари корхонасининг директори С. Засеев ўзбек номзод билан муқобил асосида бу лавозимга сайланганини, унга кўпчилик ўзбеклар овоз беришганлигини эслатиш ўринли.

Дарвоқе, юқоридаги мақолада қрим татарларни ҳам «қочиб кетишаяпти» дейилиши ғирт шаллақиликдан иборатлигини ҳар бир рус фуқароси ҳам англаб етади. Журналист жаноблар мана шунақа очиқдан-очиқ тўмтоқ туҳматлари билан Ўзбекистон учун халталарига тош тўлатиб келганликларини ва сабаб топилса-топилмаса бу тошларни отиб кетаётганликларини, ягона мақсадлари ҳам тошотарлик эканлигини ошкор кўрсатиб қўйиблар. Доно фикрларини давом эттириб, Тошкент телефон алоқаси ёмон аҳволга тушиб қолганлигини, эрта-индин корхоналарни ҳам шу кўргилик кутаётганини баён этишади.

Тошкент телефон алоқаси ёмонлиги рост, бироқ бундан беш-ўн йил илгари ҳам ҳозиргидан яхши эмасди. Саноатга келсак, беш-ўн минг, етмиш-саксон минг одам ишлайдиган, шу вақтгача «қаймоғи»ни Москва еб, заҳарли чиқиндиларигина Ўзбекистонга қолган корхоналарнинг боридан йўғи яхши экани ҳаммага равшан. Уларнинг ўрнида республиканинг марказга сувтекин оқизилган хом ашёларини валютага айлантирадиган кичик ва фойдали корхоналар ишга тушади.

Муаллифлар, руслар ҳозир асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида қолишганини, бошқа жойлардан кўчиб кетиб бўлишганини хабар қилишибди. Давомида яҳудийлар кетишаётганини, корейслар мудофаа отрядлари тузишаётганини ёзишибди. Ё алҳазар, ёлғонни шунчалигам сурбетларча ёзавериш мумкин экан-да, а? Энг ёмони шундаки, бунинг ёлғонлигини фақат Ўзбекистонда яшаётганлар билишади, собиқ СССРнинг бошқа ҳудудларида «демократик, мустақил» рўзномага ишонишади ва Ўзбекистон ҳақида у кўрсатган бўҳтонни ҳақиқат деб қабул қиладилар. Ахир, жаноблар, яҳудий Ўзбекистондан кетиб Россияда макон топаётгани йўқ, у шўро ҳукуматига, бундай бемаза давлатда ўтган умрига лаънатлар ўқиб ўз ватанига кетаяпти-ку! Руслар эса илгаригидан қамроқ кетишаяпти, аксинча, кўпроқ келишаяпти. Кетганлари ҳам ватанимда очликдан ўлгандан кўра Ўзбекистонда мушт еб ўлсам майли, деб қайтиб келишмоқда. Истаганча мисол топиб беришимиз мумкин. Қизиғи шундаки, кўчиб бораётган «хўжалик юритишда ишбилармон» русларни асл юртларида ватандошлари чиқиштиришмаётганини уялмай-нетмай ўзингиз эътироф этибсиз. Уларни «ишбилармон» қилиб тарбиялагани учун Ўзбекистон айбдорми яна? Куласанми, куясанми...

Сизнинг ёзишингизча, Ўзбекистондан ватанига кўчиб борган русларнинг қуриб олган муҳташам уйларига қўшниларнинг ҳасади келибми, жаҳли чиқибми — уйларини ёқиб ташлашганмиш. Тушунмадик, нима демоқчисиз бу билан — муҳташам уй қуришни ўрганган ўзбекистонлик рус айбдорми ёки шундай уй қуролмайдиган ва ундайларни кўролмайдиган россиялик русни айбламоқчимисиз? Агар иккинчиси бўлса, ўзбекларга раҳмат айтишингиз керак эди, лекин бу сизларнинг етти ухлаб тушингизга кирмайди.

Ушбу сатрларингизни ўқиб, Россияда тайёр пишиб етилган картошкаларни йиғиштириб ололмаган одамлар Ғарбдан хайр-садақа сўраб кун кўраётганликлари сабабини тушунгандек бўлдик. Октябрь инқилобидан сўнг нуқул ишбилармону бой одамлар қатағон, сургун қилиниб, шўро ҳукумати фақат оч баччағарларга қолгани-ю улар етмиш йил мобайнида ҳам хўжалик юритиб қорин тўйдиришни эплолмагач ана шу ҲУКУМАТ яксон бўлганининг сабабларини англагандек бўлдик. Минг афсуски, шўро ҳукумати йўқолгани билан «хўжалик юритишга уста» миллатдошларига ҳасад қиладиган ва уларнинг муҳташам уйларини ёқиб юборадиганлар бор экан, янги ҳукуматнинг ўнгланишига ҳам кўз тикиб бўлмайди. Яна минг шукрки, биз уларга кўз тикишдан озодмиз энди.

Мақоланинг айрим сатрларини қайта ўқиб, рости, яна мажбурмиз такрорлашга — ҳушёр одамлар ёзганига ишонолмайсан киши. «Яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида кўпчилик русзабонлар Ислом Каримовга овоз беришди. Унинг ўзини эмас, унинг сиёсатини маъқулладилар». Тавба: Президент-шахснинг ўзи бошқа-ю сиёсати бошқа бўладими? Ўзини ёмон кўриб, сиёсатини яхши кўриш ҳам мумкинми? Мантиқ қани?

Биз Президентимизга ҳамду сано ўқиш ниятидан йироқмиз. Бироқ, сизлар тўғри таъкидлаганингиздек, унинг ҳушёр миллий сиёсати Ўзбекистонда сизларнинг ғашингизни келтирадиган ва таажжубга соладиган даражадаги «миллий осойишталик»ни сақлаб турибди. Унинг сиёсати — унинг ЎЗИ. «Марказ»да эса Ўзбекистонда миллий тўқнашувлар рўй беришига ташна одамлар сероблиги тобора кўпроқ аён бўлиб бормоқда. Йўқса, 17 январь куни «Останкино» телекомпанияси хабарида Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар «ниҳоят, Ўзбекистонда миллий тўқнашув келиб чиқди» деб бошланмаган бўларди.

Сўнг сиз, Ўзбекистонда миллатлараро тўқнашувларнинг олдини олиш саъй-ҳаракатларини иқтисодиётни мўътадиллаштириш, яъни, русзабонлар кетиб қолса иқтисодиёт вайрон бўлиши мумкинлиги билан боғлабсиз. Буни, юмшоқ қилиб, «алжираш» деб аташга рухсат этинглар. Бу мамлакатда ҳар ким ўзи учун ишлайди, ҳар ким ўзини ўзи боқади. Сизлар юқорида таъкидлаганингиздек, Ўзбекистонда «хўжалик юритишда ишбилармонлар» яшайдилар.

Энди, мақолангиздаги очиқдан-очиқ ёлғон далилларга нима дейиш мумкин? Ўзбекистонда пропискадан ва ҳарбий ҳисобдан ўчишга 1200 сўм тўланиши керакмиш. Бу ғирт туҳмат далилни қаердан олдингиз, жаноблар? Ўзингиз нон еб турган матбуотни шунчалик ҳам хўрлайсизми?! Мана, қўлимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва Ҳарбий комиссарининг маълумотномаси — сизлар ғирт ёлғонни ёзганингиз ҳақида. Агар кимдир шундай қилаётган бўлса, бу — порахўрлик. Жиноятдан хабардор бўла туриб уни тегишли органга етказмаган одам жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси прокурори бу муаллифларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ўйлаб кўради деб умид қиламиз.

Пропискадан ўчиш — бепул. Лекин бугунги иқтисодий тангликда энди ўзбекона меҳмондўстликни бир четга қўйиб, Ўзбекистонга прописка қилишни пуллик йўлга қўйишни жорий этиш зарурати етди, шекилли.

«Контейнерлар учун бурама суммалар» белгиланганини ёзибсиз. Қаерда бундай хизмат учун Ўзбекистондагидан арзон нарх тўланаяпти, айтинглар-чи? Қолаверса, Ўзбекистон бойлиги 125 йил мобайнида босқинчилар томонидан ташиб кетилди. Бугун эса ҳамма каби, энг аввало Россиядан намуна олиб, ташиб кетишларни чеклаш вақти келган экан, бунга бизни шу кўйга солган, гадолик остонасига келтириб қўйган шўро тузуми айбдор, холос. Айниқса, кеча Ўзбекистонга битта чемодан билан келган юзлаб «десантчи»лар, минглаб бошқа келгиндилар бугун топган-тутганини контейнерларга жойлаб жўнаётганларида умуман контейнерда юк ташиш тақиқланмаётганидан мамнун бўлсалар керак.

Энди мақолангизнинг асосини ташкил этадиган маънавий мезон—мачитлар ҳақида. Сизлар мачитнинг нималигини, у нимага хизмат қилишини тушунмайсизлар, тушунтиришга уриниш ҳам бефойда. Йўқса, «1989 йилда бу ерда 160 мачит бор эди, ҳозир биргина Наманган вилоятида мингта» деб жар солмаган бўлардингиз. Балки ўзингиз билган ҳолда жар солишингизнинг асл моҳиятини яшираётгандирсиз, мачитлар Ўзбекистонга поклигу софликни, ҳалоллигу диёнатни, инсофу адолатни қайтариб келишидан ташвишдадирсиз — буниси бизга қоронғи. Мабодо бундан бошқача ўйласангиз, тушуниб олинг: дунёга машҳур олимлар Фаробий, Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбеклар ана шу мачитлар таълимини олиб вояга етишган. Мачитлар таълим берган замонларда, инқилобдан олдин Тошкентдек шаҳри азимда йилда бир-икки марта ўғирлик содир бўларди ва мусулмон қонунларига биноан ўғрининг бармоғи кесиб жазоланарди. Ҳозир кунига 50—60 хонадоннинг ҳаром қўлдан шўри қурияпти. Мачитлар қувватининг эпкини сақланиб турган эллигинчи йилларда Тошкентда тиббиёт талабаларига намунага кўрсатиш учун яккаю ягона тери-таносил касалликлари шифохонасига «мабодо бир касал одам келиб қолса бизга хабар қилинглар» деб буюртма бериларди, бугун деярли ҳар бир районда шундай касалхона бор ва у ерларда жойлар етишмайди...

Ҳар қадамда ўғирлик, босқинчилик, талончилик, муттаҳамлик, қотиллик. Булар ҳаммаси — мачитлар, улар билан бирга дину диёнат, инсофу имон қатағон қилинганининг оқибати. Илло, сизлар ҳамон ҳайқириб «қўриқлаётган» мачитлар Ўзбекистон диёрига ўша илгариги мачитлар замонидаги оройишу осойишни етаклаб келса ажабмас. Фақат шу ният мачитларга, дини исломга катта йўл очиб қўйди.

Сизлар, Ўзбекистон келгусида қандай давлат бўлиши устида кўп бош қотирибсизлар. Туркияга ўхшайдими, Эронга ўхшаши керакми, Покистонгами — ақлингиз етганича мулоҳаза юритибсиз, ҳатто таклифларингизни тиқиштирибсиз. Узр, марказлик жаноблар, Ўзбекистон бугун сиздан ақл сўраётгани йўқ, шу пайтгача сўраб бўлди, тавбасига таянди. Бу ақлни ўз давлатингизда тартиб-интизом, ўз халқингиз қорнини тўйдириш учун ишлатганингиз маъқул. Зора асқотса — биз ҳам ҳурсанд бўламиз. Ўзбекда яхши бир гап бор: қўшнинг тинч, сен тинч.

Умуман, сизлар бугун нега қўшни давлатнинг ички ишларига бурнингизни тиқиб юрганингизни ўзбеклар ҳам, бу ерда ўзбеклар билан худди илгаригидек тинчу тенг яшаётган русзабонлар ҳам тушунолмай таажжубдалар. Ўзбекистонда 80-90 фоизини рус забонлилар ташкил этадиган жамоалар истаганча топилади. Масалан, «Ташжилпроект» институтида 214 киши бўлиб, шундан 34 нафари ўзбек, 160 нафари рус, 18 нафари бошқа миллат вакиллари. 13 бўлимларнинг бошлиғидан бир киши ўзбек, олтитаси рус. Етти бош мутахассисдан олти нафари рус, бири яҳудий. Қўлимизда у институтнинг В. Лизина, Г. Балаев, А. Коровская, В. Белусков каби ходимлари, республика прокурорининг катта ёрдамчиси Р. Засеевлар келтирган, сизнинг мақолангиздан қаттиқ норозиликлар битилган мактублар бор. Улар сизларни тушунишмаяпти.

Ўзбекистон Россиядагига ўхшаб бўлиниб кетиши мумкинлигини каромат қилибсизлар. Бу ҳам сизларнинг оддий сиёсий саводсизлигингиз оқибати десак ҳафа бўлманг. Чунки Ўзбекистон бир неча элату миллатларни босиб олиб тузилган мамлакат эмас, хавотирга ўрин йўқ.

Безбетлигингиз шунчаликка бориб етибдики, фақат мустақил мамлакатнинг ички ишларига аралашибгина қолмай, шахсий оилаларга ҳам суқилиб кирибсиз. Президент қизини америкалик ўзбекнинг ўғлига узатган бўлса, бу аввало Президентнинг эмас, унинг тўла ҳуқуқли фуқаро бўлмиш вояга етган қизининг бевосита иши. Сизлар, юқори маданиятли саналмиш миллат вакиллари ҳатто бировнинг уйига, қалбига мўралашдан ҳам уялмаганингиз ўқувчини ҳайратга солади. Халқ депутатлари съездида Б. Ельцин бир депутатнинг «Сиз маст бўлиб дарёга йиқилганингиз ростми ёки суиқасд бўлганмиди?» деган мазмундаги саволига берган жавоби ёдингиздами? «Бу менинг шахсий ишим». Лоақал ўз президентингиздан одобу маданиятни ўргансангиз бўлармиди...

Шимол дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш тўғрисидаги масалани ёпишга ҳали эрта эканлигини таъкидлабсизлар. Яъни, аҳоли сони жадал ўсиб бораётган минтақада эрта-индин сув танқислиги рўй беришидан ташвишдасиз гўё. Меҳрибонлик учун ташаккур! Ўз вақтида сизларни чумолича кўрмайдиган катта акаларингиз — казо-казо ёзувчилар бу масалани «ёпиш»га муваффақ бўлган эдилар. Энди эса, бугун ва эрта-индин тезда изга тушиши амри маҳол иқтисодиёт билан дарёни эмас, водопровод қувурини ҳам опкелиб бўлмаслигини сизлар тушунмаслигингиз мумкин эмас. Назаримизда, сув билан бирга яна алланималарни олиб киришдан умидворсизлар. Шу умид сизларни тарк этиши қийин бўлаяпти-ёв!

Энди, рухсатинглар билан, мақолангизнинг сўнггидан кўчирма келтирамиз: «Биз ҳали ўша даврлар (босиб олиш даври — **муаллифлар**) сиёсатининг меваларини татиб кўрадиганга ўхшаймиз. Бугун Россия Ўрта Осиё республикаларини ўз оёқларига осилган тошлардек ирғитиб ташлашга ҳаракат қилаяпти, бунинг кун кўришга енгиллик келтиради деб ҳисобламоқда. Дастлабки пайтда, мумкин, шундай чиқар, бироқ ҳар қандай таёқнинг икки учи бор. Биз Ғарбга боқиб, Шарқни тобора очиқроқ инкор этиб, бу билан қанчадан-қанча муаммоларни елкага олишга таваккал қилаяпмизки, бугунгиларининг барчаси уларнинг олдида майда-чуйда бўлиб қолади».

Яшанглар, гапнинг индаллосини мана энди айтибсиз. Аввало, ким кимнинг оёғида оғир тош бўлганини келажак кўрсатади. Қолаверса, кейинги хавотирингиз бу ўхшатишга ўзларингиз ҳам ишонмаётганингиздан далолат. Ўзбекистонни қўлдан чиқариш сизларни таҳликага солаяпти. Аммо, поезд эса юриб кетди. Уни, ТАРИХ ҒИЛДИРАГИНИ орқага қайтариб бўлмайди. Яна, Шарқда бир гап бор: ит ҳуради, карвон ўтади!

Турсунбой МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, «Халқ сўзи» ҳуқуқ ва ахлоқ бўлимининг мухаррири.

Жумъа қироатлари

Ҳар бир халққа ўз пайғамбарларининг таълимларини ўчириб, унга хоҳлаган нарсаларини аралаштириб юборганларига қарамасдан ҳақиқат ва ростгўйликдан озгина бўлса-да юқди. Барча халқларда Оллоҳга ва охират ҳаётига эътиқод қилиш қайси суратда бўлмасин, кенг тарқалди. Бутун дунё яхшилик, ростгўйлик, хушхулқлик асослари билан осойиш топди. Ҳар бир пайғамбар ўзининг умматини тарбиялаб, ҳақиқатни қабул қилишга тайёрлади, ҳатто бутун ер юзига битта диннинг умумий бўлиши мумкин бўлиб қолди. Бу дин — миллат ажратмайдиган, бутун инсониятнинг ягона динидир.

Ўтмишда ҳар бир халққа ўзига хос пайғамбар юборилиб, унинг даъвати ўша халқ билангина чекланиб қолар эди, зеро, ўша замондаги одамлар тарқоқ ҳолда яшардилар, ҳаммалари ўзлари билан ўзлари бўлиб, халқаро алоқа йўқ эди. Бундай ҳолатда бутун ер юзига, барча халқларга умумий битта таълимни оммалаштириш қийин эди. Бундан ташқари халқларнинг аҳволлари бир-биридан фарқ қиларди. Жаҳолат бутун ер юзини қоплаб олганди. Жаҳолат жараёнидан келиб чиққан эътиқод ва ахлоқий жиҳатдан бузуқликлар замон ва маконга қараб, хилма-хил суратда гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир халққа бир пайғамбар келиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиши, нотўғри ўйларини йўқ қилиб, ўрнига аста-секин тўғри фикрларни шакллантириши, ботил йўллардан қайтариб, одил, олий қонунларга бошлаши, хуллас, она ўз гўдагини тарбиялагандек, уларни тарбиялаши зарур эди. Барча халқларни мана шу йўл билан тарбиялаш учун неча минг йиллар ўтгани Оллоҳнинг ўзига аён. Йиллар ўтар экан, инсоният гўдаклик чоғларидан ўтиб, вояга етди, ҳунармандчилик ва савдогарликлар ривожланиб, халқаро алоқалар боғланди. Одамлар Япония ва Хитой мамлакатларидан Оврупо ва Африқо қитъаларига қуруқлик ва денгиз йўллари билан сафар қила бошладилар. Кўпчилик халқларда ёзма санъат ривожланди, илму фан гуркиради, ўзаро назариялар, фикрлар, илмий мавзулар ўзгарди. Одамлар орасидан паҳлавон жаҳонгирлар етишиб чиқиб, қўшни диёрларни забт этдилар. Ер юзида бир неча диёрларни ишғол этган улкан мамлакатлар барпо қилдилар. Шу тариқа бир неча халқлар битта сиёсий тузумга тўпландилар. Аввалги тарқоқлик ва бир-бирларини танимаслик йўқола бошлади. Бутун ер юзидаги исломнинг ягона таълими ва шариати нозил бўлишига имконият яратилди. Мозийнинг икки минг йиллар аввалига назар ташласангиз, ўша вақтдаги башариятнинг ягона, мукаммал динга эҳтиёж сезаётганини яққол кўрасиз. Буддизм комил дин бўлмай, хулқий асослардангина тузилган дин, бўлишига қарамасдан, бир тарафдан Хитой, Япония мамлакатларига, иккинчи тарафдан эса Афғонистон, Бухоро диёрларига кенг тарқалганди. Бир неча асрлардан кейин христиан дини келди. Албатта Масиҳ алайҳиссалом холис ислом таълимини олиб келган эди-ю, лекин у кишидан кейингилар бу динга ўзлари хоҳлаган нарсаларини аралаштириб юбориб, уни христиан номли бутунлай бошқа ноқис динга айлантириб қўйдилар. Шундай бўлса ҳам у Форс, Африқо, Оврупо диёрларида қулоч ёйди. Мукаммал динни топа олмаганидан ноқис динлар билан қаноатланиб, уларга эътиқод қилиши ва ривожлантириш ўша замондаги башариятнинг комил, оламшумул динга ўта чанқоқ эканлигидан далолат беради.

МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ ПАЙҒАМБАРЛИГИНИНГ АСОСЛИЛИГИ

Энди мозийнинг бир минг тўрт юз йил аввалига назар ташланг. У вақтда на телеграф, на телефон, на поезд на машина, ва на босмохона бор эди. Газета журналлар босилмас, китоблар нашр қилинмасди. Одамларнинг бошқа мамлакатларга сафар қилиши ҳозиргидек осон эмас эди. Бошқа мамлакатга бормоқчи бўлган киши ойлаб йўл юриши керак эди, мана шундай ҳолатда ҳам гўё араб вилояти бошқа мамлакатлардан ажралиб тургандек эди. Тўғри, атрофида Форс, Рим, Миср шаҳарлари бор эди. Лекин бепоён қумли тоғлар араб жазирасини бошқа барча ўлкалардан ажратиб туради.

Ҳа, араб савдогарлари тижорат учун мазкур шаҳарларга туяда ҳафталаб, ойлаб юрардилар. Лекин бу сафарлардан мақсад нарсалар сотиш ва олишдан нарига ўтмасди. Араб ерларининг ўзига келсак, у ерда на бир тараққийлашган маданият, на бир мадраса, ё мактаб, на бир билим ва таълимни нашр қилиш бор эди. Ўқиш ва ёзишни биладиганларни бармоқлар билан санаса бўлар эди. Улар ҳам бу билимлари билан хорижий мамлакатлардан илму фанни ўргана олмас эдилар. Уларни бирлаштириб турадиган ҳукумат ҳам, буюриб, таъқиқлаб турадиган қонун ҳам йўқ эди. Ҳар бир қабила ўзига мустақил бўлиб олиб, мутлақ эркинлик билан босқинчилик қиларди. Доимий ички урушларда беҳуда қонлар тўкиларди, одамни бир пулга олмас эдилар. Хоҳлаган одам йўл топиши билан хоҳлаган одамини ўлдириб, давлатига эга бўлиб олаверарди. Уларда маданиятнинг юқи ҳам йўқ эди. Бузуқликлар, номаъқулчиликлар, арақ, қиморларнинг бозори чаққон эди. Ўзаро беҳаёларча яланғоч юрардилар. Ҳатто аёллар байтул ҳаромни яланғоч тавоф этардилар. Ҳалол ҳаромни ажратмасдилар. Эркинликдан шу даражага етган эдиларки, ҳеч қандай қоида, қонунни тан олмасдилар ва ҳеч қандай ҳокимга бўйсунмасдилар. Бундан ташқари жаҳолат томир отиб кетган эди. Санамларга ибодат ва сажда қилардилар, сафарларида бирор манзилга қўнсалар, ўша ердан бирор чиройли тошни топиб, уни ўзларига парвардигор қилиб олардилар ва унга сажда қилиш билан ибодатга бўлган эҳтиёжларини қондириб олардилар. Инсонга эгилмаган бўйинлар қандайдир тош ва санамларга эгиларди. Улар бу тошларни ҳожат чиқарадиган, орзу-умидларни амалга оширадиган худо деб ўйлардилар.

Мана шу халқ орасида бир инсон дунёга келди. У туғилмай туриб, отаси вафот этди. Гўдаклик чоғларидаёқ онаси ва бобоси ҳам оламдан ўтдилар. У мана шундай шароитда бўлса-да, ота-бобоси тирик бўлганда олиши мумкин бўлган тарбияни ҳам ололмади. Ота-она тарбиясини кўрмади. Ўсиб, улғайгач, тенгқурлари билан қўй боқди, вояга етгач, савдо билан шуғулланди. Ўзи ёзишни ҳам, ўқишни ҳам билмайдиган оми эди. Ҳамсуҳбати ҳам, таниш-билиши ҳам ўша юқорида айтиб ўтилган араблар бўлишига қарамасдан, унинг фикрлари, одатлари, ахлоқи ва хислатлари халқига нисбатан бутунлай бошқача эди. У ёлғон гапирмасди, тили ёки қўли билан бировга озор бермасди, мулойим, ширинсухан, дилкаш эди. Ким у билан бир марта ҳамсуҳбат бўлса, уни яхши кўриб қолар, унга ўзини фидо қиларди. Бировнинг бир чўпини ҳам ноҳақ олмасди. Жудаям ҳалол, ростгўй, пок эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик уни яхши кўрар, унга ишониб, қимматбаҳо нарсаларини ҳам омонат қўяр эди. Уларнинг омонатларини ўзиникидек сақлаб берарди, Ҳамма одамлар унинг ҳалоллигига ишониб, уни амин — «бениҳоя ишончли, ҳалол» деб атардилар. Ўта ҳаёли эди, балоғат ёшига етганидан буён ҳеч кимга баданини кўрсатмаганди, одобли эди. Бутун умри мобайнида ярамас, разил кишилар орасида улғайган бўлишига қарамасдан, ярамаслик ва разилликлардан нафратланар эди

[Давоми бор].

[Давоми. Боши рўзноманинг 29 ноябрь, 13, 20, 27 декабрь, 10, 17, 24, 31 январь сонларида].

СИРДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎҚҚИЗ КЎЧАДА БАЙРАМ

Одатда иши юришмаганлар «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлиб қолар», деб ўзларини овутишади. Кўпчилик гулистонликлар бошқа жойларда кўчалар номи ўзгартирилаётганини эшитиб, дамлари ичида, ютиниб қўйишарди. Яқинда бирданига тўққизта кўчада байрам бўлди.

Комсомольская Намуна, Пролетарская Ҳамид Олимжон, Проектная Дўстлик кўчаси деб ўзгартирилди. Бироқ собиқ Заводская кўчаси нима мақсадда Инқилоб деб аталди экан?

* * *

ЙИЛИГА ЎН МИЛЛИОН

ГУЛИСТОН районидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигида кичик корхона ишга туширилди. Бу ерда йилига ўн миллион дона ғишт тайёрланади. Маҳсулот фақат хусусий уй қураётганларга сотилади.

* * *

ГУЛИСТОНДА ЙЎЛБАРСЛАР

БИР неча кундирки, гулистонлик болакайларнинг оғзи қулоғида. Улар истаган пайтларида шаҳарнинг ўзида ҳақиқий арслон, шерлар ва бошқа ҳайвонларни бориб кўришаяпти. Йўқ, бу ерда ҳайвонот боғи очилмади: кичкинтойлар ҳузурига Москва зооцирки ташриф буюрди. Цирк усталари намойиш этаётган турли аттракционлар, ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишларини болакайлар узоқ вақт эслаб юришлари аниқ.

* * *

БЕПУЛ ЙЎЛКИРА

КОМСОМОЛ район совети ижроия комитети жумҳуриятимизнинг турли шаҳарларида таҳсил олаётган талабаларга оз бўлса-да кўмак беришга қарор қилди. Маҳаллий ҳокимият бўлажак мутахассисларнинг ойида бир марта ўқув жойларига бориш йўлкирасини ўз зиммасига олди.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

⊙ ТОШКЕНТ. «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бадиий буюмлар фабрикаси меҳнат аҳли аввалари ҳам кўплаб буюртмаларни бекаму кўст бажариб келган. Аммо бу йил уларнинг зиммасига ғоят муҳим ва шарафли вазифа юклатилдики, у ҳам бўлса, Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғини тайёрлашдир. Бу юмуш қисқа муддат мобайнида рисоладагидек адо этилди: 14 минг нусхадан зиёд туғ қўлдан чиқарилди.

СУРАТДА: каштачилик цехининг устаси Комила Юсуфжонова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● БОҒИШАМОЛ районидаги мактабларнинг ўқувчилари яна бир қулайликка эга бўлдилар. Бу ердаги «Зарафшон» ресторани қошида мактаблар учун хизмат кўрсатувчи махсус комбинат иш бошлади.

— Самарқанд вилоятининг бу районидаги 19 та мактабда йигирма мингдан ортиқ бола ўқийди, — дейди ресторан директори Собир Исматов. — Ўн мингдан ортиқ ўқувчи бепул овқатланиши, куни узайтирилган гуруҳларга қатновчи икки мингдан кўпроқ ўқувчи эса иссиқ овқат билан таъминланиши лозим. Бунинг устига бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта берилади. Ана шу катта кўламдаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун ушбу комбинатни очдик.

(ЎзА).

САВОБ ҲАММАГА КЕРАК

Асримиз бошларида кўҳна Қизилтепада ўнлаб масжидлар аҳли мўмин хизматида бўлган. Афсуски, «ривожланган» шўро тузумида улардан ном-нишон қолмади. Яқинда Қизилтепанинг имони бутун кишилари мўмин-мусулмонларни бу ишга бош қўшишга даъват этдилар. Улар Бўстон қишлоғидаги Хўжа Бўстон масжидини қайта тиклашга қарор бердилар. Бутун район аҳли бу савоб ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳатто, бу хайрли ишдан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ҳам ўзларини четга олишмади. Ҳа, савоб ҳаммага ҳам керак.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ё алҳазар!

КЎРМОҚ БОРУ ЕМОҚ ЙЎҚ

«Насриддин Афанди» киносидаги бир лавҳа эсимда. Халқ донишманди лақма, қурумсоқ бойни авраб катта кўлни «шаҳзода» эшагига алмаштириб элга сув беради, қафасдаги қушни озод этади. Бева-бечораларга, йўқсилларга меҳр-шафқат, мурувват кўрсатади. Отасига минг раҳмат ўша Афандининг! Унинг зукколиги, топқирлигини, халққа жони фидолигини қаранг? Қойил-э!

Чиллаки чиллакини кўриб чумак урармиш. Қиссадан ҳисса шуким, ҳозир орамизда ана шундай афандилар борми ўзи? Ёки бундай зотлар қатоғон қилинган-у юртимизга бошқа қайтиб келишмайдими? Наҳотки ўша хизрни бошқа учратмасак? Буёғи ғурбат-ку! Худо кўрсатмасин, юртимизда кўлни эшак тугул ҳатто салтанатга алмашмайдиган бой-бойвачаларнинг куни туғиб, савдогару чайқовчи ҳаромхўру мутаҳамнинг бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетиши тайин!

Алқисса, бугунги ҳаётимиз шунга ўхшаб кетаяпти. Ингичка яна чўзилиб, йўғон эса аравага сиғмай қолаяпти. Буни қаранг-а, қайтиб яна «бой-бойга боққан, сув сойга оққан» ўша эски замонга келиб қолганимизни сезмай қолибмиз, аттанг!

...Ишхонамиз анчайин обрўли жой. Шу туфайли бўлса керак, тез-тез савдо-сотиқ ташкил этиб турилади. Авваллари у-бу харид қилардик, хурсанд эдик. Ахир, бозорда нархи осмонда бўлган баъзи тақчил нарсаларни давлат баҳосида олардик-да! Қувонмай буладими, ахир?!

Афсус, эрта қувонган эканмиз. Бозор «тулпори» учқур от экан, кейин чопиб қолди. Купон деган нарса жорий қилинди-ю ойнинг қоронғу «ўн беши» бошланди...

...Қизиқ бўлди, эшитинг. ЦУМчилар, ГУМчилар ишхонамизга савдо қилгани яна мол олиб келишди. «Местный» бўлса ҳам ҳамма нарса бор: катталару кичкинтойларга дейсизми, аёллару эркакларга дейсизми. Савдо кетаётган хонанинг эшик олди тўполон, худди улоқ бўлаётган отчопарни эслатади. Бироқ кўпкари мусобақаси узоққа бормади. Молнинг нархи кўринарли ерга осилиб қўйилди-ю жон ҳовучлаб, пул чангаллаган ходимларнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Тижорат нархидан ҳам ўтиб тушди-ю, — деди ғижиниб ходимлардан бири.

— Инсоф ҳам қолмапти ўзи.

Бояги ходимнинг куюнганича бор. Қизларнинг битта ўрта миёна костюми 1.700 сўммиш! Яна шунча купон ҳам бериш керак эмиш! Қизиқ, бир оддий ходим 1.700 сўм пул ва шунча купонни қаердан олсин! Бутун оилага теккан ҳамма купонни йиғиб чиқса, шунга ё аранг етади, ё етмайди.

...Хуллас, уч кун савдо бўлди. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса ололмади. Олиб келинган молнинг, ҳатто, тахи бузилмади. Бу — тарихий воқеа!

Агар бозор, эркин нархнаво дегани шу бўлса, ҳадемай дўконларга мол сиғмай кетади. Ахир уни ким, қайси пулга, купонга олади. Қизиқ-а! Худди «жаннат» ҳақидаги ривоятга ўхшайди: Кўрмоқ бору емоқ йўқ!..

Н ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ҲИСОБ-КИТОБ

Масал

Бўривойга қаҳвахонада тўсатдан Тулкиой йўлиққан эди, қисқагина салом-аликдан сўнг, осмондан тараша тушгандек сўраб қолди:

— Тулкиой, сиз мени севасизми?

Башанг кийинган Тулкиой уялиб кетганидан бошини эгиб деди:

— Бўривой ака, ҳазилингиз қурсин, нималар деяпсиз ўзи?... Тушунмайроқ турибман...

Бўривой эса энди дағдаға аралаш деди:

— Очиғини айтинг сиз мени севасизми, ё мен севаманми?

Тулкиой алаҳсираб уйғониб кетгандек, кўзлари косасидан чиқаёзди. Бўривой ҳазиллашмаётган эди-да!

— Чап томонингиз билан турганмисиз, акажон, — ноз-карашма билан бурилди. Тулкиой. — Биз бир-биримизга таниш, ҳамтовоқдирмиз. Аммо сиз... бунчалик бадният бўлманг...

— Очиқроқ айтинг, унда биз киммиз, ҳар ҳолда ака-сингил ҳам бўлмасак керак, шундайми?

— Албатта, шунчаки танишмиз деяпман-ку!

— Тушунарли. Сиз учун жонимни фидо қилишим ҳам шарт эмас экан-да.

— Баракалла. Жонингизни ўз севгилингиз, маъшуқангиз Бўриойга фидо қилаверинг. Менинг ҳам ўз севгилим — Тулкибек бор. Ахир, сизга ҳеч қачон севги ваъда қилганим йўқ-ку!

— Ростданми?! — Бўривой баттарроқ жаҳлга минди.

— Бўлмасам-чи! Шунчаки танишлигимизни ҳисобга олмаганда, сиз мен учун бегонасиз...

Бўривой энди ўзини тутиб туролмади-да, шартта Тулкиойнинг думини босди:

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, ўтган йил олган 500 сўм қарзингизни чўзиб қўйсангиз. Ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар...

Зоир ЗИЁ.

Даҳшат

СУТГА... ҚОН

Ўша кунги манзара даҳшатли эди. Тўнғич ўғил хурмачасидан тошириб ичган, ёнига яқин йўлаб бўлмасди. У қиш чилласида яланг оёқ қалт-қалт титраб турган онасини ҳовлининг ўртасига судраб чиқди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — кўзига қон қуюлди ўғилнинг.

Онанинг ялиниб ёлворишлари, ноласи кайфнинг зўридан тебраниб турган ўғлига таъсир қилмади. Аксинча ғазаб отига минди.

У муштдаккина онаизорининг юз-кўзи аралаш мушт туширди. Пўпашхон опа юзтубан йиқилди. Онасининг атрофида бўзлаётган Гулнора Адҳамнинг қўлига ёпишди.

— Нари тур! — бўкирди ака. Хонадондаги қий-чув, тўполонга қўни-қўшнилар бепарво бўлиб қолишганди. Бўлмаса, кулфат соя ташлаётганда улар қараб туришармиди?

Зўр-базўр ўрнидан тураётган онанинг қўйлагига нопок ўғил жон-жаҳди билан чанг солиб, йиртиб ташлади.

— Хотинимнинг уйдан кетишига сен сабабчисан, — хириллади у. — Энди сен хотин бўласан, сен!

Шу вақт қаёқдандир кичик ўғил Абдумалик пайдо бўлди. Зўровонлик, пасткашлик юз бераётганини, волидаи муҳтарамасининг ер билан битта бўлиб аянчли аҳволда ётганини кўрди-ю, ўзини тутиб тура олмади. Аммо эндигина 26 ёшга тўлган йигит қирқни қоралаб қолган, жисмонан бақувват мунофиққа тенг келиши қийин эди.

У уйдаги ойболтани олиб чиққанда, ўгай акаси онасининг устига айри миниб олганди. Абдумаликнинг кўз олди қоронғилашиб, болта билан Адҳамнинг бошига туширди. Ўзига оқ сут берган онасини зўрлаб нафсини қондирмоқчи бўлган кимсанинг сўнгги сўзлари бўғзида қолди...

Абдумаликнинг қўли қонга бўялди.

У болалигидан риояли бўлиб ўсди. Катталарнинг сўзини икки қилмади. Вояга етгач, ҳунар ўрганди. Судлангунга қадар ҳам Советобод шаҳридаги «Сувенир» ширкатида дурадгор бўлиб ишларди. Айтишларича, у умрида чумчуқ ҳам сўймаган. Аммо ор-номус, она деган буюк зотнинг шаъни уни болта ушлашга мажбур қилди. Айбини бўйнига олиб ички ишлар бўлими томон отланди. Аммо юрак бағри эзилган она унинг йўлини тўсди:

— У ўлимини ўзига ўзи тилаб олди. Жон болам, қайт, уйга кир.

Пўпашхон Раҳмонова иккинчи рўзғори Қосимжон Матисоқовга турмушга чиққанида, Адҳам Раҳмонов ҳали ёш эди. Қосимжон ака ўгай ўғлидан бегонасирамади, онаси бўлса унинг кўзига қараб катта қилди. Оилада эрка, унинг айтгани-айтган эди. Кейин Гулнора, Гулмира ҳамда Абдумаликлар туғилишди.

Адҳам ичкиликка ружу қўйди, бўлар-бўлмас жанжал чиқариб онанинг юрак-бағрини эзди. Ундан безган хотини эса ота-онасиникига кетиб қолди.

Ноқобил ўғилнинг ўша кунги жирканч иши, юзсизлиги туфайли қадди букилган, адойи-тамом бўлган муштдеккина аёл калтаклар зарбини. номус юкини кўтара олмади. Орадан икки кун ўтмай ҳаётдан кўз юмди. Марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларидан кўнгил сўрашга тумонот одам келди. Лекин уларнинг аксарияти сукут босган хонадонда елка қисишар, гоҳида оҳиста сўрашарди:

Адҳам кўринмайдими?

Хонадон соҳибларини зилзамбилдай юк эзиб турса-да, улар ёлғонни қўшиб-чатиб базўр:

— Чўлга кетиб қолган, — дейишдан нарига ўтишмади.

... Ўша кунни Абдумалик игна устида тургандек ўтказди. Жасадни нима қилиш керак? Қабристон узоқ бўлса... У ҳамма уйқуга кетганда ҳаракатга тушди. Ҳовлидаги ҳожатхонанинг бир бурчагидан чуқур кавлаб мурдани туширди...

Энди Абдумаликнинг тинчи йўқолди. Кундузни-ку бир амаллаб ўтказади. Аммо тун ўз пардасини ташлади дегунча уни нимадир таъқиб этаверади. Уйқу йўқ. Ниҳоят, англади. Ҳожатхонадаги ўгай акасининг руҳи унга тинчлик бермаётир.

«Мурдани гумдон қилиш керак» Қандай қилиб? Кўнглини дадаси Қосимжон акага ёрмоқчи бўлди. Шу боис кун пешиндан оққанда дадасини ёрдамга чорлади.

Қосимжон ака мурданинг шундоққина ҳовлида эканлигидан юраги орқага тортиб кетди. Оқариб-бўзариб сўради:

— Нима қилмоқчисан?

— Ўзим биламан, — жавоб қайтарди ўғил.

Қосимжон ака икки ўт орасида қолди. Ниҳоят, қўрқув устун келди. Мурда ҳожатхонадан олингач:

— Билганингча йўл тут, — дедию хонадан чиқиб кетди.

Абдумалик мурдани қопга солмоқчи бўлди. Жойлашмади — ноқулай. Шундоққина шолчага ёки бирор матога ўраб ташласа-чи? Жиноятнинг «ҳиди» чиқиши мумкин. У жасадни яна жойига қайтариб кўммоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди.

Хаёлида яшин тезлигида бир ўй ўтди. Уйдан «ўша» болтани топиб, мурдага яқинлашди. Кейин унинг икки қўлини, икки оёғини чопди. Энди қопга жойлайверса бўлади. У сўнгги бор болтани юқори кўтарганда, тиғ марҳумнинг бошини танадан жудо қилди. Абдумалик чуқур нафас олди. Қопни Шаҳрихонсойнинг хилват жойида оқизиб юборди...

Кутилмаган ҳол юз берди. Ички ишлар бўлими ходимлари Хўжаобод район Ленинизм колхозидан оқиб ўтган Шаҳрихонсойнинг ирмоғи — жанубий Фарғона каналидан қўлсиз, оёқсиз, бошсиз жасадни топдилар. Айрим белгилар Адҳам Раҳмоновга тааллуқли эканлиги маълум бўлди. Бу ҳақда марҳумнинг ота бир она бошқа — ўгай синглиси Лола Абдуллаева гувоҳлик берганди.

Жиноий иш вилоят халқ суди томонидан кўриб чиқилиб, қотил 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Аммо оддий қишлоқ хонадонида нега бундай юракни ўртайдиган фалокат юз берди? Ёши бир жойга бориб қолган Пўпашхон опанинг гуноҳи не эди? Бир парча этга оқ сут бериб, уни одам қилганими?

Умри меҳнатда ўтган аёлнинг оғзи энди ошга етди деганда, боши тошга тегди. Уни ўз жигарбанди адо қилди. Бир хонадонда икки ўлиму яна бир мудҳиш жиноят. Ҳа, оила пойдеворига қўйилган ғишт омонат эди. Иродасиз инсон шишадаги оғуга банди бўлди. Муштипар волидасига қўл кўтарганларни ер ҳам кўтармайди. Адҳамни ҳам кўтармади.

Фозилжон ШОДМОНАЛИ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳодиса

БЎРИ ТУТИЛДИ

Андижон районидаги Ҳоқон қишлоғи кўчаларидан бирининг чорраҳасида бўри юрганини сезиб қолишди. Кечқурун соат 9 лар чамаси эди. Қўлларига тушган нарсалар билан қуролланган йигирма нафар кўнгиллилар чақирилмаган меҳмонни ушлашга ҳаракат қилишарди.

Қув-қув бўрининг ҳиқилдоғига панжаҳасини қадаган Турғунбой Аблазовнинг ҳовлисида ниҳоясига етди. Етиб келган овчилар эса ҳайвоннинг қўл-оёғини боғлаб, милиция ходимларига топширдилар. Улар эса нима қилишларини билмай бошлари гаранг эди.

Бироз ўйлаб олишгач, район бўлимида бўридан экология билимларини тарғиб қилиш мақсадида фойдаланишга қарор қилдилар. Бўри учун қафас ясаб, уни район марказига қўйдилар. Болалар ва катта ёшдаги кишилар бу ерга уни томоша қилишга кела бошлашди.

Ерлик аҳолининг фикрича, район ҳайвонот боғида ягона бўлган бу бўри қўшни Ўш вилоятининг тоғларидан келган бўлса керак. Кишиларнинг бахтига, у бирон-бир зарар келтиришга улгурмади. Қишлоқ кенгаши бўрини ушлагани учун Турғунбой Аблазовни битта, яхши қўй ва 50 сўм пул билан мукофотлади.

К. НИЗОМОВ.

«УМИД»НИНГ САХОВАТИ

КАРМАНАДАГИ «Умид» ширкати яна бир ибратли ишга қўл урди. Ширкатчилар Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Навоий ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида ишлаётганларга бозор иқтисодиёти шароитида моддий кўмак сифатида 2750 сўм ажратдилар.

Р. АКБАРОВ.

«Булоқ» ишлаб чиқариш ва тижорат ширкатининг меҳнат жамоаси ширкат ходимлари Н. М. Жўрабоев ҳамда Б. М. Жўрабоевга оналари

Ақидахон ТЎЛАГАН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қадрдонимиз Аҳмаджон! Бошингизга тушган оғир мусибатдан дўстларингизнинг барчаси қаттиқ изтироб чекмоқда. Умр йўлдошингиз — рафиқам муҳтарамангиз

Гулчеҳра ШАРИПОВАнинг

тўсатдан вафот этиши ҳаммамизни беқиёс қайғуга солди. Шу жудолик кунларида Сизга сабр-тоқат тилаймиз, бардам бўлинг.

«Ўзбекдавнефтназорат» жамоаси.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608.
Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 20.00.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12